

**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/30.12.2019.Fil.05.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**АЖИНИЁЗ НОМИДАГИ НУКУС ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА**  
**ИНСТИТУТИ**

**КУРБОНИЯЗОВ ГУЛМУРЗА АЛАМБЕРГЕНОВИЧ**

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНДАГИ ЛИСОНИЙ ВАЗИЯТ**

**10.00.11–Тил назарияси. Амалий ва компьютер лингвистикаси**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фарғона – 2021**

**Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации**

**Content of the abstract of doctoral (DSc) dissertation**

**Қурбониязов Гулмурза Аламбергенович**

Қорақалпоғистондаги лисоний вазият.....3

**Қурбониязов Гулмурза Аламбергенович**

Языковая ситуация в Каракалпакстане.....36

**Kurboniyazov Gulmurza Alambergenovich**

Language situation in Karakalpakstan.....70

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works.....74

**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/30.12.2019.Fil.05.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**АЖИНИЁЗ НОМИДАГИ НУКУС ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА**  
**ИНСТИТУТИ**

**КУРБОНИЯЗОВ ГУЛМУРЗА АЛАМБЕРГЕНОВИЧ**

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНДАГИ ЛИСОНИЙ ВАЗИЯТ**

**10.00.11–Тил назарияси. Амалий ва компьютер лингвистикаси**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фарғона – 2021**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.2.DSc/Fil 176 рақами билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб саҳифасига ([www.fdu.uz](http://www.fdu.uz)) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталига ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчи:**

**Дадабоев Ҳамидулла Арипович**  
филология фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Искандарова Шарифа Мадалиевна**  
филология фанлари доктори, профессор

**Маматов Абди Эшонкулович**  
филология фанлари доктори, профессор

**Қудайбергенов Мамбеткарим Сарсенбаевич**  
филология фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Урганч давлат университети**

Диссертация ҳимояси Фарғона давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.Fil.05.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «2» 2021 кuni соат 9:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 150100, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19-уй. Тел.: (373) 244-44-02; e-mail: [fardu\\_info@umail.uz](mailto:fardu_info@umail.uz)).

Диссертация билан Фарғона давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (115 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 150100, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19-уй. Тел.: (373) 244-44-02; e-mail: [fardu\\_info@umail.uz](mailto:fardu_info@umail.uz).

Диссертация автореферати 2021 йил «18» 2021 кuni тарқатилди.  
(2021 йил «18» 2021 даги 28 рақамли реестр баённомаси)



*[Handwritten signature]*

**А.А. Қосимов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, филол.ф.д., профессор

*[Handwritten signature]*

**М.Т. Зокиров**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, филол.ф.н., доцент

*[Handwritten signature]*

**А.Б. Мамажонов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш кошидаги илмий семинар раиси, филол.ф.д., профессор

## КИРИШ (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон тилшунослигида ўтган асрнинг сўнги чорагидан бошлаб жамият тузилишининг барча қирралари ва кўп аспекти тузилиши, тил ва жамият муносабатлари, мамлакатларда олиб борилаётган тил сиёсати, тилнинг жамиятга ва жамиятнинг тилга таъсири масалалари янги босқичга кўтарилди. Жамиятдаги меъёр ва нутқ муаммоси ечимлари, кўпмиллатли давлатларда этнослараро, маданиятлараро мулоқот ва ҳамкорлик муаммоларининг ҳал этилиши мазкур ҳудудлардаги тиллар вазиятини ижобий ечимини топишда амалий аҳамият касб этади.

Дунё тилшунослигида XXI аср бошларидан тил тизимини когнитив, лингвокультурологик, прагмалингвистик, социолингвистик, психолингвистик тамойиллар асосида тадқиқ этишга эътибор кучайди. Бу ишларда лисоний вазиятлардаги бир тиллилик, кўп тиллиликнинг жамиятдаги функцияси, тил ва социум, нутқнинг гендер хусусиятларини очиш лисоний вазиятларга хос қонуниятларни ёритишда фундаментал асос бўлиб хизмат қилади. Бугунги кунда коммуникация жараёнида оралик тиллар, интердиалект, койнэ, пиджинларнинг оламнинг лисоний манзарасини тавсифлашда миллий тиллар ботинидаги ментал хусусиятларни аниқлаш орқали муаммонинг назарий жиҳатларини тўлиқ асослаш мумкин.

Ўзбек тилшунослигида мустақиллик йилларида социолингвистик тадқиқотларни олиб боришда олимлар тилнинг ижтимоий функцияларини, шу билан бирга уларнинг жамиятда ҳаракатланишини ўрганиш билан боғлиқ муаммоларга эътибор қаратмоқдалар. Муҳтарам президентимиз Ш.М.Мирзиёев ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганининг ўттиз йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган тарихий нутқида шундай деган эдилар: таъкидлаганларидек: “Глобаллашув шароитида миллий тилимизнинг софлигини сақлаш, унинг луғат бойлигини ошириш, турли соҳаларда замонавий атамаларнинг ўзбекча муқобилини яратиш, уларнинг бир хил қўлланишини таъминлаш долзарб вазифа бўлиб турибди”<sup>1</sup>. Ўзбекистондаги тилларни илмий асосда ҳар томонлама ривожлантириш борасидаги бу талаб тилшуносликнинг, ҳеч истисносиз, барча сатҳларига оид ходисаларни янада чуқурроқ, янада холисроқ, янада кенгроқ тадқиқ этишни тақозо этади. Шу асосда Қорақалпоғистондаги тиллар вазиятига мустақиллик мафкураси, миллий-маънавий сиёсат нуқтаи назаридан янгича ёндашиш, унинг объектив социолингвистик таҳлилин юргизиш, тиллар вазиятини баҳолаш, тиллар манзарасини илмий жиҳатдан ўрганиш жамият тараққиёти учун ҳам муҳимдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. М. Мирзиёевнинг ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганининг ўттиз йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи //Халқ сўзи, 2019 йил, 22 октябрь.

тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони, 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сон “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”, 2020 йил 6 ноябрдаги ПҚ-4884-сон “Таълим-тарбия тизимини янада такомиллаштиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорлари; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 12 декабрдаги 984-сон «Давлат тилини ривожлантириш департаменти тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори, шунингдек, мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация республика фан ва технологиялар тараққиётининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

#### **Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи<sup>2</sup>**

Социолингвистиканинг, хусусан лисоний вазиятларнинг ижтимоий-лингвистик хусусиятларини ўрганишга йўналтирилган илмий изланишлар дунё тилшунослигида Cambridge University, University of Oxford, Edinburgh University, London Metropolitan University (Буюкбритания), Harvard University, New York University, Chicago University, Amerikan Academy of Art and Sciences (АҚШ), Toronto University (Канада), Hankuk University of Foreign Studies (Корея), Марибора Университети (Словения), University of Humboldt (Германия); The French National Research Agency (Франция); М.В.Ломоносов номидаги Москва давлат университети (Россия), Санкт-Петербург университети (Россия), Татарстон Казань федерал университети (Россия), Қозоқ миллий университети (Қозоғистон), Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети, ЎзР ФА тил, адабиёт ва фольклор илмий-тадқиқот институти, Фарғона давлат университети, Нукус давлат педагогика институти (Ўзбекистон)да олиб борилмоқда.

Жаҳон тилшунослигида социолингвистикага оид изланишлар натижасида полиэтник давлатларда миноритар тилларнинг социумда қўлланилишининг назарий жиҳатлари асосланган (Amerikan Academy of Art and Sciences); лисоний вазиятлардаги бир тиллилик, кўп тиллилик масалалари ва коммуникацияда қўлланиш бўйича назария ишлаб чиқилган (Yale University, Toronto University, Канада), лисоний вазиятларни ўрганишга йўналтирилган тадқиқотлар негизида илмий натижалар олинган

---

<sup>2</sup> Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи [http:// www.edu.uz](http://www.edu.uz); [britishcouncil.org](http://britishcouncil.org); [internauka.ru](http://internauka.ru); [education.usa.info](http://education.usa.info); [philology.ru](http://philology.ru); [rusnauka.com](http://rusnauka.com); [american.english.state.gov](http://american.english.state.gov); <https://edoc.ub.uni-muenchen.de/13557/1/Contreras-PinzonNydia.pdf>; [www.uzh.ch/en.htm](http://www.uzh.ch/en.htm), [www.zora.uzh.ch](http://www.zora.uzh.ch), [www.bu.edu](http://www.bu.edu), [www.uv.es](http://www.uv.es), [www.education.ua/universities](http://www.education.ua/universities), [www.kaznu.kz](http://www.kaznu.kz), [www.navoiy-uni.uz](http://www.navoiy-uni.uz), <http://www.philology.nsc.ru>; <http://www.ivanovo.ac.ru>; <http://philology.nsc.ru/> ва бошқа манбалар асосида амалга оширилди.

(Chicago University, АҚШ), University of Oxford, Англия), жамиятдаги меъёр ва нутқ муаммоси ечимлари топилган (Hankuk University of Foreign Studies, Корея), Марибора Университети (Словения), лисоний вазиятларнинг типологияси ишлаб чиқилган (М.В.Ломоносов номидаги университети, Россия), Санкт-Петербург университети (Россия), кўпмиллатли давлатларда этнослараро, маданиятлараро мулоқот ва миллий менталитет муаммолари асосланган (Татарстон Казань федерал университети, Қозоқ миллий университети, Қозоғистон), тил ва социум, лисоний бирликларнинг социолингвистик хусусиятлари, нутқнинг гендер хусусиятларини очиб бериш йўллари кўрсатилган (Ўзбекистон Миллий университети, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети, Самарқанд давлат университети (Ўзбекистон)да.

Дунё тилшунослигида бугунги социолингвистика соҳасида, жумладан, кўйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: лисоний вазиятларда тилларнинг ижтимоий дифференциациясини ўрганиш; тил ва маданиятнинг ўзаро муносабатини тадқиқ этиш; диглоссия, полилингвизм ва билингвизмнинг ижтимоий аспекти муаммоларини асослаш; кўптилли давлатларда олиб борилаётган тил сиёсати натижасида миноритар тилларнинг ривожланиши масалаларини очиб бериш; тил структураси вариативлиги имкониятларини, дунёнинг лисоний манзарасини англашда миллий менталликнинг асосий жиҳатларини ёритиш; лексикографик йўналишда социолингвистик терминларнинг изоҳли, статистик, қомусий луғатларини яратиш.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ю.Д. Дешериев, В.Д. Бондалетов, Л.П. Крысин, Л.Б. Никольский, Р.Т. Белл, В.М. Алпатов, Е. М. Филиппова, С.Е. Перепечкина Ю.Б. Коряков, А.Р. Жикеева, Б. Хасанулы, З.К. Дербишева, Ф.Я. Вейсялли, Дж.Н. Тухватулина, С.М. Мўминов, Ш.М. Искандарова, Н. Саидираҳимова, М.Т. Зокиров, Ш.И. Жўраев, М.А. Қурбонова, Ю.Н. Абдуллаев, А.М. Бушуй, Ҳ.А. Дадабоев, Ш.Р. Усмонова, Н. Бекмуҳамедова, Г. Искандарова, Р. Нормуродова, А.Н. Баскаков, Н.А. Урумбаев, Д.С. Насиров, Е.Б. Бердимуратов, Қ.М. Қошчанов, Р.Е. Есемуратова, А.У. Умаров, А.Д. Жақсибаев, Н.А. Турабаеваларнинг асарларида социолингвистика ҳамда лисоний вазият муаммолари ёритилган.<sup>3</sup>

<sup>3</sup> Дешериев Ю.Д. Социальная лингвистика. – М.: Наука, 1977. – 382 с.; Бондалетов В.Д. Социальная лингвистика. – М.: Просвещение, 1987. – 160 с.; Крысин Л.П. Социолингвистические аспекты изучения современного русского языка. – М.: Наука, 1989. – 192 с.; Никольский Л.Б. Синхронная социолингвистика. – М.: Наука, 1976. – 168 с.; Белл Р.Т. Социолингвистика. Цели, методы и проблемы. – М.: Международные отношения, 1980. – 317 с.; Алпатов В.М. Япония: Язык и общество. – М.: Муравей, 2003. – 224 с.; Филиппова Е.М. Языковая политика Франции и социолингвистические процессы в ее заморских департаментах (на примере Гваделупы) /Языковая политика, конфликты и согласие. – М.: 2018. – С.79-133.; Перепечкина С.Е. Особенности языковой ситуации в Германии.// Проблемы современного языкознания. – М.: 2009. – С.82-87; Коряков Ю.Б. Языковая ситуация в Белоруссии и типология языковых ситуаций. Дисс... канд. филол. наук. – Москва, 2002. – 128 с.; Жикеева А.Р. Языковая ситуация Костанайской области (билингвистический аспект). Дисс. ...канд. филол. наук. – Челябинск, 2011. – 181 с.; Абасилов А.М., Асанбаева С.А. Социолингвистические исследования в Казахстане: новые возможности и проблемы// Международный журнал экспериментального образования. – 2015. – №3-2. – С. 192-196.; Хасанулы Б. Тілдік қатынас негіздері. – Алматы: 2006. – 356 с.; Дербишева З.К. Языковая политика и языковая ситуация в Кыргызстане // Russian Language Journal, Vol. 59.2009. – P.49-58.; Вейсялли Ф.Я. Языковая ситуация в

Хусусан, Ю.Д. Дешериев, В.Д. Бондалетовлар социолингвистиканинг предмети, бошқа фанлар орасидаги ўрни, социолингвистик тадқиқот метод ва усулларини ўрганадилар.<sup>4</sup> Л.П. Крысин тил ўрганишнинг ижтимоий аспекти, тил бирликлари маъноси ва қўлланишидаги ижтимоий чегараланишни аниқлайди<sup>5</sup>. Р.Т. Белл тил типлари, тил сиёсати, билингвизм, диглоссия ходисаларини ўрганади.<sup>6</sup> В.М. Алпатов Япониядаги<sup>7</sup>, Е.М. Филиппова Франциядаги<sup>8</sup>, С.Е. Перепечкина Германиядаги<sup>9</sup>, Ю.Б. Коряков Белоруссиядаги<sup>10</sup>, А.Р. Жикеева Қозоғистоннинг Қостанай областидаги<sup>11</sup>,

---

современном Азербайджане. [https://doi.org/10.18485/kud\\_kiaz.2019.ch14](https://doi.org/10.18485/kud_kiaz.2019.ch14); Тухватулина Дж.Н. Языковая ситуация в республике Татарстан в контексте европейской языковой политики. Дисс. ... канд. филол. наук. – Казань, 2007. – 190 с.; Мўминов С.М. Ўзбек мулоқот хулқининг ижтимоий-лисоний хусусиятлари. Филол. фанл. докт. ... диссертацияси. – Тошкент, 2000. – 235 с.; Искандарова Ш.М. Ўзбек нутқ фаолиятининг мулоқот шакллари. Филол. фанл. номз. ... дисс. автореферати. – Самарқанд, 1993. – 25 с.; Саидирахимова Н. Мактабгача ёшдаги ўзбек болалар нутқининг лингвистик хусусиятлари. Филол. фанл. номз. ... дисс. автореферати. – Тошкент, 2004. – 25 с.; Зокиров М.Т. Лингвистик интерференция ва унинг ўзбек-тожик билингвизмида намоён бўлиши. Филол. фанл. номз. ... диссертацияси. – Тошкент, 2007. – 148 с.; Жўраев Ш.И. Билингвизм шароитида тожик ва ўзбек тилларининг лексик сатҳидаги ўзаро алоқалари (Самарқанд вилояти материаллари асосида). Филол. фанл. бўйича фалс. докт. (PhD)... дисс. автореферати. – Самарқанд, 2018. – 21 с.; Қурбонова М.А. Ўзбек болалар нутқи лексикасининг социопсихолингвистик тадқиқи. – Тошкент: 2014. – 126 с.; Абдуллаев Ю.Н., Бушуй А.М. Язык и общество. – Т.: Фан, 2002. –161 с.; Искандарова Г. Болалар нутқи оид баъзи мулоҳазалар // Ўзбек филологияси масалалари. Илмий-амалий анжуман материаллари. –Тошкент: ЎзМУ, 2009. – С. 19-20.; Дадабоев Ҳ., Усманова Ш. Хорижий социолингвистика. Ўқув қўлланма. – Тошкент: Университет, 2014. – 134 с.; Усманова Ш., Бекмухамедова Н., Искандарова Г. Социолингвистика. Ўқув қўлланма. –Тошкент: Университет, 2014. – 81 с.; Нормуродова Р. Социолингвистика. Услубий қўлланма. – Термиз: 2008. – 82 с.; Баскаков А.Н. Социолингвистический анализ языковой ситуации в регионе Средней Азии и Казахстана. – Нукус: Билим, 1992. – С. 15.; Урумбаев Ж.А. Народное образование в Каракалпакстане за 10 лет. – Нукус: Каракалпакстан, 1973. – 237 с.; Насыров Д.С. Становление каракалпакского общенародного разговорного языка и его диалектная система. – Нукус-Казань: Каракалпакстан, 1976. – 399 с.; Бердимуратов Е.Б. Каракалпак тили функционал стиллериниң раўажланыўи менен каракалпак әдебий тилиниң раўажланыўи. – Нөкис: Билим, 1973. – 170 с.; Қ.М.Қошанов. Рус хәм каракалпак тиллериниң өз-ара байланысы мәселелери. Нөкис: Билим, 1991. – 216 с.; Есемуратова Р.Е. Развитие каракалпакской лексики после Великой Октябрьской Социалистической Революции: Автореф дисс...канд.филол.наук.– Москва, 1963.– 19 с.; Умаров А.У. Сопоставительный синтаксис русского и каракалпакского языков. –Нукус: 1973. – 132 с.; Жақсыбаев А.Д. Проблемы взаимодействия русского языка с каракалпакским национальным литературным языком. – Нукус: Билим, 1980. – 137 с.; Турабаева Н.А. Қорақалпоқ тили лексикасининг тараккиетида ўзбек тилининг таъсири. Филол. фанл. номз. ... дисс. автореф. – Нукус, 2008. – 23 с.

<sup>4</sup> Дешериев Ю.Д. Социальная лингвистика. – М.: Наука, 1977. – 382 с.; Бондалетов В.Д. Социальная лингвистика. – М.: Просвещение, 1987. – 160 с.

<sup>5</sup> Крысин Л.П. Социолингвистические аспекты изучения современного русского языка. – М.: Наука, 1989. – 192 с.

<sup>6</sup> Белл Р.Т. Социолингвистика. Цели, методы и проблемы. – М.: Международные отношения, 1980. – 317 с.

<sup>7</sup> Алпатов В.М. Япония: Язык и общество. – М.: Муравей, 2003. – 224 с.

<sup>8</sup> Филиппова Е.М. Языковая политика Франции и социолингвистические процессы в ее заморских департаментах (на примере Гваделупы) /Языковая политика, конфликты и согласие. – М.: 2018. – С.79-133.

<sup>9</sup> Перепечкина С.Е. Особенности языковой ситуации в Германии.// Проблемы современного языкознания. – М.: 2009. – С.82-87.

<sup>10</sup> Коряков Ю.Б. Языковая ситуация в Белоруссии и типология языковых ситуаций. Дисс... канд. филол. наук. – Москва, 2002.– 128 с.;

<sup>11</sup> Жикеева А.Р. Языковая ситуация Костанайской области (билингвистический аспект). Дисс. ...канд. филол. наук. – Челябинск, 2011. – 181 с.



З.К. Дербишева Қирғизистондаги<sup>12</sup>, Ф.Я. Вейсялли Озарбайжондаги<sup>13</sup>, Дж.Н. Тухватулина Татаристондаги<sup>14</sup> лисоний вазиятларни ўрганеди.

Ўзбек халқининг мулоқот хулқи, болалар нутқининг ўзига хос хусусиятлари, билингвизм шароитидаги тилларнинг ўзаро алоқалари, тилнинг жамият билан муносабати С.М. Мўминов, Ш.М. Искандарова, Н.Саидираҳимова, М.Т. Зокиров, Ш.И. Жўраев, М.А. Қурбонова, Ю.Н. Абдуллаев, А.М. Бушуй, Г. Искандарова каби тилшунослар томонидан алоҳида таҳлил қилинади<sup>15</sup>. А. Бердалиев ўзбек синхрон социолингвистикасини, Б.Ў. Қўшоқова тил ривожланишининг социолингвистик таҳлилини алоҳида ўрганеди<sup>16</sup>.

Ҳ. Дадабоев, Ш. Усмонова, Н. Бекмухамедова, Г. Искандарова ва Р.Нормуродовалар томонидан ўқув ва услубий қўлланмалар яратилган<sup>17</sup>.

Қорақалпоқ тилшунослигида А.Н. Баскаков, Н.А. Урумбаев, Д.С.Насиров, Е.Б. Бердимуратов, Қ.М. Қошчанов, Р.Е. Есемуратова, А.У. Умаров, А.Д. Жақсибаевлар<sup>18</sup> рус тилининг қорақалпоқ тилига таъсири, билингвизм ва полилингвизм масалаларини ўрганган бўлсалар, Н.А. Турабаеванинг изланишларида мустақиллик даврида ўзбек тилининг

---

<sup>12</sup> Дербишева З.К. Языковая политика и языковая ситуация в Кыргызстане // Russian Language Journal, Vol. 59.2009. – P.49-58. .

<sup>13</sup> Вейсялли Ф.Я. Языковая ситуация в современном Азербайджане. [https://doi.org/10.18485/kud\\_kiaz.2019.ch14](https://doi.org/10.18485/kud_kiaz.2019.ch14).

<sup>14</sup> Тухватулина Дж.Н. Языковая ситуация в республике Татарстан в контексте европейской языковой политики. Дисс. ... канд. филол. наук. – Казань, 2007. – 190 с.

<sup>15</sup> Мўминов С.М. Ўзбек мулоқот хулқининг ижтимоий-лисоний хусусиятлари. Филол. фанл.докт. ... диссертацияси. – Тошкент, 2000. – 235 с.; Искандарова Ш.М. Ўзбек нутқ фаолиятининг мулоқот шакллари. Филол. фанл. номз. ... дисс. автореферати. – Самарқанд, 1993. – 25 с.; Саидираҳимова Н. Мактабгача ёшдаги ўзбек болалар нутқининг лингвистик хусусиятлари. Филол. фанл. номз. ... дисс. автореферати. – Тошкент, 2004. – 25 с.; Зокиров М.Т. Лингвистик интерференция ва унинг ўзбек-тожик билингвизмида намоён бўлиши. Филол. фанл. номз. ... диссертацияси. – Тошкент, 2007. – 148 с.; Жўраев Ш.И. Билингвизм шароитида тожик ва ўзбек тилларининг лексик сатҳидаги ўзаро алоқалари (Самарқанд вилояти материаллари асосда). Филол. фанл. бўйича фанл. докт. (PhD)... дисс. автореферати. – Самарқанд, 2018. – 21 с.; Курбонова М.А. Ўзбек болалар нутқи лексикасининг социопсихоллингвистик тадқиқи. – Тошкент: 2014. – 126 с.; Абдуллаев Ю.Н., Бушуй А.М. Язык и общество. – Т.: Фан, 2002. – 161 с.; Искандарова Г. Болалар нутқида оид баъзи мулоҳазалар // Ўзбек филологияси масалалари. Илмий-амалий анжуман материаллари. – Тошкент: ЎЗМУ, 2009. – С. 19-20.

<sup>16</sup> Бердалиев А. Ўзбек синхрон социолингвистикаси. – Хўжанд, 2015. – 180 с.; Қўшоқова Б.Ў. Тил функционал ривожланишининг социолингвистик таҳлили (ўзбек тили мисолида). – Хўжанд: Меърож, 2020. – 99 с.

<sup>17</sup> Дадабоев Ҳ., Усмонова Ш. Хорижий социолингвистика. Ўқув қўлланма. – Тошкент: Университет, 2014. – 134 с.; Усмонова Ш., Бекмухамедова Н., Искандарова Г. Социолингвистика. Ўқув қўлланма. – Тошкент: Университет, 2014. – 81 с.; Нормуродова Р. Социолингвистика. Услубий қўлланма. – Термиз: 2008. – 82 с.

<sup>18</sup> Баскаков А.Н. Социолингвистический анализ языковой ситуации в регионе Средней Азии и Казахстана. – Нукус: Билим, 1992. – С. 15.; Урумбаев Ж.А. Народное образование в Каракалпакстане за 10 лет. – Нукус: Каракалпакстан, 1973. – 237 с.; Насыров Д.С. Становление каракалпакского общенародного разговорного языка и его диалектная система. – Нукус-Казань: Каракалпакстан, 1976. – 399 с.; Бердимуратов Е.Б. Қарақалпақ тили функционал стиллериниң раўажланыўы менен қарақалпақ әдебий тилиниң раўажланыўы. – Некис: Билим, 1973. – 170 с.; Қошчанов Қ.М. Рус хәм қарақалпақ тиллериниң өз-ара байланысы мәселелери. Некис: Билим, 1991. – 216 с.; Есемуратова Р.Е. Развитие каракалпакской лексики после Великой Октябрьской Социалистической Революции: Автореф дисс...канд.филол.наук. – Москва, 1963. – 19 с.; Умаров А.У. Сопоставительный синтаксис русского и каракалпакского языков. – Нукус: Каракалпакстан, 1973. – 132 с.; Жақсыбаев А.Д. Проблемы взаимодействия русского языка с каракалпакским национальным литературным языком. – Нукус: Билим, 1980. – 137 с.

қорақалпоқ тили лексикасига таъсири ёритилган<sup>19</sup>. Бироқ, маҳаллий ва хорижий олимларнинг бир қатор тадқиқотлари мавжуд бўлишига қарамай Қорақалпоғистондаги лисоний вазият етарлича ўрганилмаганлигини таъкидлаш лозим.

Шу тариқа Қорақалпоғистондаги тилларнинг ижтимоий хизмат ва вазифалари, билингвизм ва полилингвизм, тиллар орасидаги ўзаро муносабатлар, жамоа аъзоларининг давлат тилларини ўзлаштириши кам ўрганилган бўлиб, у ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан тадқиқ қилинишни тақозо қилади.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти илмий-тадқиқот ишлари режаларига мувофиқ “Тиллар тараққиёти муаммолари” мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Қорақалпоғистондаги қўлланилаётган тилларнинг ижтимоий хизмати ва вазифалари, тиллар муҳити ва ҳолатларини очиқ бериш, шу орқали тиллар вазиятида юз берган тарихий ўзгаришларни аниқлашдан иборат.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

Қорақалпоғистон Республикасидаги лисоний вазиятни объектив тасвирлаш ва тавсифлаш;

худуддаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, демографик вазият, ўзбек, қорақалпоқ тилларининг давлат тили ва она тили сифатидаги мақоми, уларнинг ҳаётий, социал хизматларини аниқлаш;

рус, қозоқ, туркман, корейс тилларининг ижтимоий хизмат доираси ва уларнинг республика худудидаги мақомини белгилаш;

билингвизм, полилингвизм, интерференция ва диглоссия (ўзбек-туркман, ўзбек-қорақалпоқ, қорақалпоқ-қозоқ, қозоқ-қорақалпоқ, рус-қорақалпоқ, ўзбек-рус ва ҳ.к.) ҳодисаларини таҳлил қилиш, уларнинг ҳосил бўлиш сабабларини изоҳлаш;

республикадаги тилларнинг истиқболи ва келажаги хусусида башорат қилиш, тавсиялар бериш;

ижтимоий муносабатлар асосида ўзбек тилининг қорақалпоқ тилига ва қорақалпоқ тилининг ўзбек, қозоқ, туркман, рус тилларига таъсири натижасида юзага келган қоида ва қонуниятлар, тиллар функциясидаги ижтимоий жараёнларни белгилаш;

жамоа аъзоларининг давлат тилларига муносабати ва уларни ўзлаштириш, қўллаш даражасини аниқлаш, худуддаги тиллар вазиятининг мажмуавий социолингвистик моделини асослаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Қорақалпоғистондаги тилларнинг ҳолати, уларнинг қўлланилиш доираси, давлат ва нодавлат тилларининг ижтимоий функциялари, уларнинг бир-бирига таъсири танланган.

---

<sup>19</sup> Турабаева Н.А. Қорақалпоқ тили лексикасининг тараққиётида ўзбек тилининг таъсири. Филол. фанл. номз. ... дисс. автореф. – Нукус, 2008. – 23 с.

**Тадқиқотнинг предмети**ни тилларнинг ишлатилиш доиралари ва уларга хос аниқ кўрсаткичлар сифатида вазирликлар, радио ва телевидение, матбуот ва полиграфия, кейинги йилларда олинган аҳоли рўйхати ҳақидаги демографик маълумотлар ташкил қилади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотни амалга оширишда тавсифлаш, таснифлаш, қиёслаш, систем-структур ва лингвомаданий таҳлил усулларидан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

Ўзбек, қорақалпоқ, қозоқ, туркман, рус ва корейс тиллари амал қилишининг ижтимоий шароити, соҳалари ва муҳитлари таҳлили асосида истиқлол йилларида давлат тилларининг социал функциялари ўсганлиги иботланган, ҳудуддаги тил вазиятининг мажмуавий социолингвистик модели Қорақалпоғистон Республикасидаги коммуникацион вазиятнинг ўзига хослиги асосида яратилган;

семантик ва когнитив нуктаи назардан қорақалпоқ тили ижтимоий функциялари кенгайишининг тил ички тараққиётига таъсири, тиллараро мулоқотнинг амалга ошиш шароити, тилнинг социал вазифалари кенгайиши билан боғлиқ жараён социолингвистик методлар асосида далилланган;

республикадаги тил муҳитида жанубий ва шимолий социолингвистик зоналар лингвистик хусусиятларига кўра ажратилиб, жанубий зонада ўзбек, шимолий зонада қорақалпоқ тилларининг синхрон ҳолатидаги лингвистик элементларнинг таҳлили асосида уларнинг қозоқ, туркман ва бошқа тилларга таъсири фонетик, лексик-семантик, деривацион, морфологик ва синтактик ярусларда воқеланиши аниқланган;

билингвизм, диглоссия, интерференция, полилингвизм ҳодисаларининг пайдо бўлиши ва ривожланиши, минтақа тилларининг ижтимоий вазифадорлиги нуктаи назаридан бўлиниши, шимолий ва жанубий социолингвистик зоналардаги тил жамоаларининг ижтимоий-коммуникатив ҳолати диахрон лисоний вазият асосида очиқ берилган;

мустақиллик шароитида ўзбек тилининг миллатлараро тил функциясини бажаришига муносабат сўровнома таҳлили асосида, унинг қорақалпоқ тилига таъсири натижасида лингвистик элементларнинг лексик, морфологик, синтактик сатҳларда семантик эквивалентлари юзага келиши манбалар асосида ёритилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

Қорақалпоғистондаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, демографик ҳолат, тиллар вазияти ва тил мавжудлик шакллари, социолингвистик тушунчаларнинг ҳудуддаги тиллар вазиятига муносабати асосланган;

Қорақалпоғистондаги давлат ва нодавлат тилларининг ўзаро алоқаси ва бир-бирига таъсири социолингвистик йўналишда ўрганилган;

ўзбек тилининг Қорақалпоғистонда миллатлараро тил сифатидаги фаолияти, унинг бошқа тилларга таъсири, аҳоли нутқидаги биллингвизм, полилингвизм, диглоссия, интерференция ҳодисалари исботланган;

худудлардаги тиллар ҳолати ва давлат тил сиёсати таҳлили натижалари олий таълимдаги ўқув жараёнида амалий ва семинар машғулотларида қўлланилган;

монографиялар яратиш, энциклопедик луғатларни тайёрлаш, дарслик ва ўқув қўлланмаларининг мукамаллигини таъминлаш ҳамда лисоний вазиятларнинг таҳлилига оид натижалар ўзбек социолингвистикаси ривожига хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** муаммонинг аниқ қўйилганлиги, назарий маълумотларни беришда илмий манбаларга таянилганлиги, хулосаларнинг замонавий лингвистик таҳлил методлари орқали асосланганлиги, назарий қарашлар ва хулосаларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги, мавзунинг жаҳон тилшунослигининг устувор илмий концепциялари асосида ўрганилганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, диссертация натижалари, хусусан Қорақалпоғистондаги лисоний вазият, тилларнинг ижтимоий хизмат ва вазифалари, ўзбек ва қорақалпоқ тилларининг ўзаро алоқалари, миллатлараро алоқа тили, худуддаги билингвизм ва полилингвизм, мавжуд тилларнинг социолингвистик модели ҳақидаги назарий қарашлар ўзбек социолингвистикаси ривожига хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, хулосалар ва илмий-тадқиқот материалларидан олий ўқув юртларининг ўқув жараёнида “Социолингвистика”, “Тилшунослик назарияси”, “Назарий тилшунослик масалалари”, “Лингвокультурология” фанлари бўйича маъруза ва семинарлар, махсус курсларни ишлаб чиқиш ва ўтказишда, диссертациялар, монографиялар, дарсликлар ва ўқув қўлланмаларини яратишда фойдаланилган.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Қорақалпоғистондаги лисоний вазиятнинг социолингвистик таҳлили бўйича олинган натижалар асосида:

Қорақалпоғистонда ишлатилаётган ўзбек, қорақалпоқ, қозоқ тиллари луғат бойлигидаги умумтуркий сўзларнинг ясалиши, ўзгариши, уларнинг семантик, грамматик, морфонологик интерпретациясига оид фикрлардан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институтида 2012-2016 йилларда бажарилган ФА-Ф1-Г003 “Функциональное словообразование в современном каракалпакском языке” фундаментал лойиҳасида фойдаланилган (Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлимининг 2021 йил 11 мартдаги 17.02/33-сон маълумотномаси). Натижада ҳозирги қорақалпоқ тилидаги умумтуркий сўзларнинг семантик, грамматик, морфонологик хусусиятлари унда асосий манба сифатида қўлланилган;

Қорақалпоғистонда қўлланилаётган тиллар таҳлилига оид хулосалардан Қорақалпоғистондаги ўзбек, қорақалпоқ, қозоқ, туркман тилларининг ўзаро таъсири, муносабати, биргаликдаги фаолияти уларнинг фонетик, лексик-

семантик, деривацион, морфологик ва синтактик хусусиятларига оид хулосалардан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институтида амалга оширилган Ф1-ФА-0-43429 “Қорақалпоқ фольклори ва адабиёти жанрларининг назарий масалаларини тадқиқ этиш” фундаментал лойиҳасида фойдаланилган (Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлимининг 2021 йил 11 мартдаги 17.02/33-сон маълумотномаси). Натижада қорақалпоқ халқ оғзаки ижоди ва адабиётида ишлатилган сўзларнинг, жумладан ўзбек тили орқали қорақалпоқ тилига ўзлашган араб, форс сўзларининг морфологик, семантик, деривацион хусусиятларини очиқ бериш имкони яратилган;

Қорақалпоғистондаги туркий тиллар лексикаси таҳлили ва ўзаро таъсирига оид илмий-назарий қарашлардан Қорақалпоғистон телерадиокомпаниясининг “Тил – маънавият кўзгуси”, “Тил ва маънавият” “Тил гулшани” номли эшиттиришларини сценарийларини тайёрлашда фойдаланилган (Қорақалпоғистон Республикаси телерадиокомпаниясининг 2020 йил 10 августдаги 01-02/153-сон маълумотномаси). Натижада кенг жамоатчиликнинг нутқ жараёнида умумтуркий сўзларни қўллаш меъёрлари ва самарадорлиги бўйича билимларини бойитишга эришилган, мустақиллик йилларидаги туркий тилларнинг таракқиёти, уларнинг ўзаро бир-бирига таъсири, миллий адабий тилларнинг ички ривожланиш тамойилларига оид назарий маълумотлар оммалаштирилган;

республика худудидаги билингвизм, диглоссия, полилингвизмга оид хулосалардан қорақалпоқ шоирлари ижодига ўзбек, қозоқ, туркман шоирлари асарлари тилининг таъсири, қорақалпоқ тилига мазкур тиллардан ўзлашган сўзларнинг лингвопоэтик, стилистик хусусиятлари ҳақидаги аҳамиятли назарий қарашлари Қорақалпоғистон Ёзувчилар уюшмасининг ёш ижодкорлар малакасини оширишда, турли тўғарак, семинар ва маҳорат дарслари ўтказишда фойдаланилган (Қорақалпоғистон Ёзувчилар уюшмасининг 2021 йил 15 мартдаги 22-сон маълумотномаси). Натижада ёш шоирларнинг лирик асарларида ўзлашма сўзлардан қофия, аллегория, аллитерация каби бадиий приёмларни яратишдаги маҳорати такомиллаштирилган;

жамиятнинг тилга ва тилнинг жамиятга таъсири, эски ўзбек тили бирликларининг қорақалпоқ шоирлари ижодида қўлланилишига оид илмий-назарий қарашлар Бердақ номидаги Қорақалпоқ адабиёти тарихи давлат музейида қорақалпоқ шоирлари асарлари юзасидан ташкил қилинадиган кўргазмаларда мавжуд қўлёзмалардаги ўзбек тили орқали ўзлашган сўзлар ҳақидаги тасаввурларни бойитишда, экскурс дарсларни ўтишда тарғиб этилган (Қорақалпоғистон Республикаси Маданият вазирлигининг 2021 йил 10 февралдаги 2-03/279/1-сон маълумотномаси). Натижада Қорақалпоғистонда яшовчи ўзбек ва қорақалпоқ халқлари миллий тилларининг ўзаро таъсири, бир-бирини бойитишига оид хулосаларни қиёслаб ўрганиш имконини берган;

”Ўзбекча-қорақалпоқча ва қорақалпоқча-ўзбекча луғат” (–Тошкент: А. Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, 2011. ISBN 978-9943-06-368-6) Республикадаги ўзбек ва қорақалпоқ тилларини давлат тили сифатида ўрганувчилар томонидан қўлланилмоқда. (Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2021 йил 9 мартдаги 01-01/05-1144-сон маълумотномаси). Натижада ўқувчиларнинг давлат тиллари ҳисобланган ўзбек ва қорақалпоқ тилларидаги тил бирликларини тўғри қўллаш ва изоҳлаш малакалари ошган, сўзларнинг ёзилиши, талаффузи, уларнинг таржималарини ўрганиши асносида ўқувчиларнинг сўзларнинг орфографик ва орфоэпик меъёрларини ўзлаштириш, сўз маъноларини тушуниш компетенциялари шаклланган, луғат бойлигининг ўсишини таъминлаш учун хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 14 та, жумладан, 3 та халқаро, 11 та республика анжуманларида апробациядан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича 40 та илмий иш, жумладан 1 та луғат, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 16 та илмий мақола ва 2 та хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, тўрт боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан ташкил топган бўлиб, умумий ҳажми 267 саҳифани ташкил қилади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурияти, республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, тадқиқотнинг назарий ва амалий аҳамияти, объекти, предмети, илмий янгилиги, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, тадқиқот натижаларининг апробацияси, тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми ҳақида маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **“Социолингвистика соҳасининг объекти, тадқиқот методлари ва долзарб масалалари”** деб номланган биринчи боби тўрт бўлимдан иборат. **“Социолингвистиканинг моҳияти ва унинг алоҳида соҳа сифатида шаклланиши, ўрганилиши”** номли **1.1.** бўлимида социолингвистиканинг пайдо бўлиши, унинг ўзбек ва қорақалпоқ тилшунослигида шаклланиш динамикаси кенг таҳлил қилинган. Тилсиз жамият, жамиятсиз тилнинг мавжуд бўлмаслиги ҳақидаги аксиомага айланиб қолган илмий тезис қарор топганлиги кўрсатилди. Дарҳақиқат, тилнинг бутун ҳаёти, шаклланиши, ривожланиши, такомиллашиши, хизмати ва вазифаси жамият тараққиёти билан узвий боғлангандир.

Шундай бир шароитда юзага келган ва шиддат билан ривожланишга юз тутган социолингвистиканинг асосларини бошқа тилшунослик мактабларидан эмас, балки айнан рус ва Прага тилшунослик мактаблари фояларидан излашнинг мақсадга мувофиқ эканлиги таъкидланади.<sup>20</sup>

И. А. Бодуэн де Куртенэдан бошланган ва тилларни “горизонталь” (худудий, ётиқ) ва “вертикаль” (социал аҳоли қатламларидаги ҳақиқий хизмати ва вазифасига кўра) ўрганиш социолингвистик тадқиқотларнинг майдонга келишига туртки бўлди. Тилларнинг фаолият кўрсатиш ҳолати, биргаликда яшаш ва жамиятга хизмат қилиш даражаси, ички ривожланиши, жамият талаблари, манфаатларига нечоғлик хизмат қила олишини уларни ёнма-ён қўйиб ўрганиш ва ижтимоий хизмат мақомига қараб ҳукм чиқариш орқалигина билиш мумкин. Мамлакатлар, халқларнинг мавқеи ва мақоми бир хил бўлмагани каби тилларнинг тарқалиш, хизмат қилиш доираси ва даражаси ҳам турлича. Шунга қараб тиллар вазияти ҳақида объектив хулосалар чиқариш, тилларнинг ижтимоий ҳаётдаги ўрнини аниқлаш социолингвистиканинг доимий мақсади бўлиб келди.

70-йилларнинг ўрталаридан социолингвистика бўйича дастлабки дарсликлар пайдо бўла бошлади. Мисол тариқасида Ю.Д. Дешериев, А.Д. Швейцер, Л.Б. Никольский, А.Б. Никольский, В.Д. Бондалетовнинг дарсликларини, хорижий социолингвистика ва социолингвистик тадқиқотларга бағишланган Р.Т. Белл, А.Д. Швейцер, Эрвин Трипп, Х. Яхнов, У. Лабов, Т.Б. Крючкова, Б.П. Нарумов, А.И. Чередниченко, В.В. Виноградов ва бошқаларнинг<sup>21</sup> ишларини кўрсатиш мумкин.

Ҳозир социолингвистика масалалари билан юқорида номлари тилга олинганлардан ташқари кўпгина олимлар гуруҳи шуғулланишда давом этмоқда. Социолингвистик ҳодисалар, шу соҳага тегишли масалалар В. М. Солнцев, В.Ю. Михальченко, Т.Б. Крючкова, А.П. Крисин, Э.Г. Туманян, Ю.А. Шмелев, А.Н. Баскаков сингари олимлар ижодидан ўрин олган.

Туркийшуносликда социолингвистик тадқиқотларнинг бошланганига узоқ вақт бўлгани йўқ. Дастлабки изланишлар рус-миллий тиллар икки тиллиги масаласига қаратилди. Бу изланишлар мазкур ҳудудларда рус тилининг ўзлаштирилиши, тарқалиши, нуфузи сингари жихатларни тарғиб ва ташвиқ қилишга йўналтирилди.

<sup>20</sup> Никольский Л.Б. Синхронная социолингвистика. – М.: Наука, 1976. – 168 с.

<sup>21</sup> Дешериев Ю.Д. Социальная лингвистика. К основам общей теории. – М.: Наука, 1977. – 432 с.; Швейцер А.Д. Современная социолингвистика. Теория, проблемы, методы. – М.: Наука, 1976. – 176 с.; Никольский Л.Б. Синхронная социолингвистика. – М.: 1976. – 168 с.; Швейцер А.Д., Никольский Л.Б. Введение в лингвистику. – М.: Высшая школа, 1978. – 216 с.; Никольский А.Б. Синхронная социолингвистика. Теория и проблемы. – М.: Наука, 1976. – 168 с.; Бондалетов В.Д. Социальная лингвистика. – М.: Просвещение, 1987. – 159 с.; Белл Р.Т. Социолингвистика (Инг.таржима) – М.: Международные отношения, 1980. – 318 с.; Швейцер А.Д. Вопросы социологии языка в современной американской лингвистике. – Л.: Наука, 1971. – 104 с.; Эрвин Трипп. Социолингвистика в США. – Париж: 1971.; Яхнов Х. Развитие и проблемы социолингвистики в ФРГ/ Социально лингвистическое исследование. – М.:1975.– С. 77-89.; Лабов У. Единство социолингвистики/ Социально-лингвистическое исследование. – М.: 1975. – С. 47-56.; Крючкова Т.Б., Нарумов Б.К. Зарубежная социолингвистика. Германия. Испания. – М.: Наука, 1971. – 153 с.; Чередниченко А.И. Язык и общество в развивающихся странах Африки. – Киев.:1983.; Виноградов В.А., Коваль А.И., Пархомовский В.Я. Социолингвистическая типология языков Западной Африки. – М.: Наука, 1984. – 368 с.

Мустақилликгача бўлган даврда ўзбек тилшунослигида ҳам социолингвистика масалаларига ёндашиш, жумладан, рус тилининг ўзбек тилига “баракали” таъсирини ёритувчи асарлар, тадқиқотларга кенг йўл очиб берилди. Уларда ўзбек тилининг ёзув тизими, ички тузилиши (фонетика, лексика, морфология, синтаксис, тил тарихи, услуб, диалектология) масалалари ёритилди. Бу йўналишдаги ишларнинг аксарияти тилшунослик нуқтаи назаридан олиб борилган тадқиқотлар бўлиб, ўзбек тилининг қонуниятлари ва меъёрларини баён қилишга бағишлангандир. У ҳақдаги маълумотлар ва кенг қамровдаги адабиётлар тизими Э.И. Фозилов ва Л.Г. Чичулина ҳамкорлигидаги ишда берилган.<sup>22</sup> Кейинги пайтларда ўзбек тилшунослигида социолингвистиканинг кўпгина масалаларига бағишланган илмий тадқиқотлар яратилди. Туркий тиллар орасида ўзбек тили ниҳоятда кенг ҳудудларга тарқалганлиги, кўп диалект ва шеваларга эга эканлиги билан ажралиб туради. Диалектлар ва шевалараро фарқлар, уларнинг адабий тилга муносабати ва бир-бирига таъсири масалалари ўзбек тилшунослигида етарлича ўрганилган муаммолар жумласига киради<sup>23</sup>. Буни шундан ҳам билиш мумкинки, ўзбек тилшунослигига хос тадқиқотларнинг учдан икки қисми диалект ва шеваларни тадқиқ қилишга бағишланган. Изланишларда ҳудудлар тил хусусиятлари тилшунослик-диалектологик нуқтаи назаридан тадқиқ қилинганлиги боис улар социолингвистик тадқиқот мақомига даъвогарлик қилмайди. Мавжуд диалектологик тадқиқотлардан фарқли ўлароқ, бизнинг мақсадимиз Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудидаги тиллар ҳолати, уларнинг ижтимоий дифференциацияси жараёнларини социолингвистик аспектда ўрганишдан иборатдир.

**“Социолингвистиканинг объекти, ўрганадиган муаммолари”** деб номланган **1.2.** бўлимда социолингвистиканинг объектини, қизиқадиган муаммоларини белгилаб олиш биринчи даражали аҳамиятга эғалиги асосланган ҳамда бу масалага бўлган қарашлар таҳлил қилинган.

“Социолингвистика” термини биринчи марта америка тилшуноси Х. Карри томонидан 1952 йилда қўлланилган. В.Д.Бондалетовнинг таъкидлашича, бу соҳа 20-30-йилларда “Социологик (ижтимоий) лингвистика”, 40-60-йилларда “Тил социологияси”, 60-йиллар охирларидан бошлаб эса “Социал лингвистика” ёки “Социолингвистика” деб аталган.<sup>24</sup> Илмий изланишлар тарихи учун фаннинг қандай номланиши эмас, балки қандай муаммолар билан қизиқиши, объектининг қай даражада, қандай нуқтаи назардан ўрганилиши ва жамият эҳтиёжлари, ҳаёт зарурати, талабига нечоғлик аҳамиятга эғалиги билан қадрлидир.

Биринчи бўлиб бу соҳадаги муаммоларга Е.Д. Поливанов ўзининг “Ҳозирги лингвистиканинг долзарб масалалари” номли ишида жамоатчилик

<sup>22</sup> Фазылов Э.И., Чичулина Л.Г. Русские тюркологи и узбекское языкознание. – Т.: Фан, 1979. – 216 с.

<sup>23</sup> Решетов В.В., Шоабдурахмонов Ш. Ўзбек диалектологияси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1978. – 232 с.; Шоабдурахмонов Ш. Ўзбек адабий тили ва ўзбек халқ шевалари. – Тошкент: ЎзФА, 1962. – 372 с.; Иброҳимов С. Фарғона шеваларининг касб-хунар лексикаси. II-III. –Тошкент: ЎзФА, – 1959. – 456 с.; Абдуллаев Ф. Ўзбек тилининг ўғуз лаҳжаси. – Тошкент: Фан, 1977. – 144 с.

<sup>24</sup> Бондалетов В.Д. Социальная лингвистика. – М.: Просвещение, 1987. – С. 10.



диққатини қаратди ва у социолингвистика ўрганадиган асосий масалалар сифатида куйидагиларни кўрсатди:

1. Тилни ижтимоий-тарихий ҳодиса сифатида аниқлаш.
2. Тиллар ва диалектларни ижтимоий ҳодиса сифатида тасвирлаш.
3. Маълум бир тилни алоқа воситаси сифатида таҳлил қилиш ва баҳолаш.
4. Ижтимоий-иқтисодий ҳодисалар билан тил ҳодисалари ўртасидаги ўзаро боғланиш сабабларни ўрганиш.
5. Тил ва унинг баъзи соҳаларининг яшашга қодир восита эканлигига баҳо бериш.
6. Маданият тарихи билан боғлиқликда тил эволюциясининг типологик йўналишини аниқлаш.
7. Социолингвистиканинг амалий масалалари: тил сиёсати.<sup>25</sup>

Е.Д. Поливанов томонидан белгиланган мазкур масалаларнинг кўплари ҳозир ҳам тадқиқ қилиниши зарур, ўз долзарблигини йўқотмаган. Зотан, Ф.П. Филин таъкидлаганидек, "...тилшунослик фанининг предмети тил курилишини тасвирлашга нисбатан анча кенг бўлиб, тилнинг ижтимоий хизмати ва вазифаси, жамиятнинг тилга, тилнинг жамиятга таъсири каби масалаларни қамраб олади".<sup>26</sup>

Г.В. Степанов: "Тилнинг жамиятга, яъни социум (жамият аъзолари)га таъсири масаласи алоҳида соҳа – прагматикага тегишли, прагматика эса семиотиканинг бир бўлагидир",<sup>27</sup>– дейди. Р.А. Будагов эса: "Социолингвистика соҳасини кенгайтириш пайти келди: инсонларнинг фаол муносабати ...тадқиқотчилар олдига тил ва унинг соҳиби орасидаги доимий ва теран ўзаро таъсир масаласини ўрганишдек муаммоларни ҳам кўймоқда", – деб таъкидлайди.<sup>28</sup>

Кейинги йилларда социолингвистик тадқиқотларнинг характери ва йўналиши шуни кўрсатмоқдаки, уларда тилшунослик соҳасидаги социолингвистик изланишлар бир неча фанларнинг ютуқларига таянган ҳолда, улардаги маълумотлардан фойдаланилиб, фанлар оралиғида олиб борилмоқда. Бу жиҳат фанлараро алоқанинг, умумий масалаларни биргалашиб ҳал қилишга интилишнинг кучаяётганлигидан дарак беради.

Шунингдек, социолингвистик тадқиқотларда тилшунослик, социология, тарих, этнография, ижтимоий психология, математика ва бошқа фанларнинг ютуқларидан атрофлича фойдаланиш, уларнинг маълумот ва тадқиқот усулларини кенг жорий қилиш зарур. Буларни эътиборга олган ҳолда баъзи олимлар социолингвистик тадқиқотлар доирасини кенгайтиришни (Ю. Д. Дешериев, Л.Б. Никольский, А.Д. Швейцер) таклиф қиладилар. Бунда улар ушбу соҳанинг асосий объекти тил эканлигини инкор қилмайдилар. Хусусан, Ю.Д. Дешериев социолингвистиканинг предмети асосан тилларнинг амал қилиш ҳамда тараққиётининг ижтимоий шартланган умумий қонуниятларни

<sup>25</sup> Поливанов Е.Д. Статьи по общему языкознанию. – М.:1968. – 168 с.

<sup>26</sup> Филин Ф.П. Очерки по теории языкознания. – М.: Наука, 1982. – С. 131.

<sup>27</sup> Степанов Г.В. Внешняя система языка и типы ее связи с внутренней структурой. // Принципы описания языков мира. – М.: Наука, 1976. – С. 154.

<sup>28</sup> Будагов Р.А. Человек и его язык. – М.: 1974. – 107 с.

ўрганишдан иборат деб тушунади ва: “...ижтимоий тилшуносликнинг асосий предмети жамият ҳаётидаги ижтимоий ҳодисаларга хос бўлган, тилларнинг амал қилиши, тараққиёти ва ўзаро таъсири билан шартланган, тилларнинг функционал, ижтимоий, касб-хунарга хос табақаланиши натижасида... бутун тилда, унинг ички тузилишининг барча босқичларида юзага келган ижтимоийлашган алоқаларни ўрганишдан иборат”, – деб ёзади.<sup>29</sup>

Келтирилган фикр-мулоҳазалар социолингвистика тилнинг бутун борлигида кўзга ташланувчи мавжуд ижтимоий ҳодисаларнинг тил ҳаёти, унинг жамиятда қўлланиш тараққиёти, бошқа – қўшни ёки вазифадош тиллар билан ўзаро фаолияти, ўзаро таъсири, ўзаро алоқасида намоён бўлувчи лисоний ҳодисалар, шунингдек, тилнинг ижтимоий ҳодисалар таъсири натижасида юзага келадиган тил ички қурилишидаги ўзгаришларни ҳам ўрганишини кўрсатмоқда. Демак, унинг ўрганиш объекти, текшириши лозим бўлган муаммолари кўп, турли-туман ва ранг-барангдир.

Тилшунослар социолингвистиканинг қуйидаги соҳаларини эътироф этадилар: 1) умумий социолингвистика; 2) синхрон социолингвистика; 3) проспектив социолингвистика; 4) ретроспектив (диахрон) социолингвистика; 5) хусусий социолингвистика; 6) амалий социолингвистика; 7) интерлингвистика.<sup>30</sup> (Э.Тенишев ҳам айтилган фикрни айтган эди<sup>31</sup>).

Ҳозирги социолингвистик тадқиқотларда жамият тузилишининг барча қирралари ва кўп аспекти қурилиши ҳисобга олинган ҳолда таҳлил олиб борилмоқда. Миллатдан тортиб, майда ижтимоий гуруҳларгача бўлган жамоалар тил вариантлари тузилиши, коммуникатив тил системасининг ижтимоий ҳаётга боғлиқ ҳолда ўзгариши, ҳудудий тилларнинг хусусиятлари, иккитиллилиқ, кўпттиллилиқ, тилларнинг ижтимоий хизмат ва вазифалари, уларнинг истикболлари, тил сиёсатининг асоси ва оқибатлари каби масалалар чуқур ўрганилмоқда. Жамият ижтимоий тузилмалари, унинг барча, яъни биринчи ва иккинчи даражали ижтимоий синф ҳамда табақалар босқичлари, улар ичидаги кичик гуруҳлар, гуруҳлардаги оралиқ қатламлар ва ниҳоят, яқка шахсларгача бўлган ижтимоий-маънавий объектлар ҳисобга олинадиган бўлди.

Биз юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, Қорақалпоғистондаги тиллар вазиятини социолингвистик аспектда таҳлил қилишни, ҳудуддаги тилларнинг мавжуд тиллар вазиятидаги ҳолати, ижтимоий функцияларини, ижтимоий хизмат ва вазифалар уларнинг ички тузилишига қай даражада таъсир этишини ўрганишни мақсад қилиб қўйдик. Ҳудуддаги тилларга доир социолингвистик муаммоларни тўлалигича, мукамал қамраб олиш, тасвирлаш, изоҳлаш мумкин эмас. Шу сабабли изланиш объектини маълум доирада чегаралаб олиш ва юқоридаги масалаларга қаратиш ишнинг мақсади ва мантиқидан келиб чиқадиган хулосадир.

<sup>29</sup> Дешериев Ю.Д. Социальная лингвистика. К основам общей теории. – М.: Наука, 1977. – С. 126.

<sup>30</sup> Дешериев Ю.Д. Социальная лингвистика. К основам общей теории. – М.: Наука, 1977. – С. 341-342; Абдуллаев Ю.Н., Бушуй А.М. Язык и общество. – Ташкент: Фан, 2002. – С.164.

<sup>31</sup> Тенишев Э.Р. О методах и источниках сравнительно-исторических исследований тюркских языков// Советская тюркология. 1973. № 5. – С.27-32.

**“Социолингвистика методлари ва манбалари, уларнинг татбиқ қилиниши”** деб номланган **1.3.** бўлимда фаннинг тадқиқ методлари, фанга боғлиқ илмий тушунчалар ўрганилган ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари очиқ берилган.

Тилшуносликда социолингвистика ва унинг мақомига оид уч хил қараш мавжуд: 1) Социолингвистика тилшунослик соҳаси бўлиб, унинг ҳам ўрганиш объекти тил ҳисобланади. Лекин у тилни ижтимоий хизматлари ва амал қилиши нуқтаи назаридан тадқиқ этади. Шу сабабли ҳам у бошқа фанларнинг эмас, балки тилшуносликнинг энг зарурий таркибий қисмларидан биридир.<sup>32</sup> 2) Иккинчи туркум олимлар фикрича, социолингвистика фанлараро соҳа бўлиб, унинг тадқиқот йўналишида тилшунослар қатори бошқа фанлар вакиллари, жумладан, жамиятшунослар, тарихчилар, психолингвистлар, этнографлар иштирок этади. Шу жиҳатдан бу тармоқни социолингвистика ва лингвосоциология тарзида иккига бўлишни таклиф қиладилар.<sup>33</sup> 3) Учинчи тоифа олимлар социолингвистикани ўз объекти, ўз назарий асослари, метод ва усулларига эга бўлган ягона ва мустақил фан деб ҳисоблайдилар.<sup>34</sup> Шундай экан, савол туғилади: социолингвистика бошқа фанларникига ўхшамаган ўз тадқиқот методларига эгами? Бу саволга жавоб бериш анча мушкул. Шу боис В.А.Звягинцев: “Социолингвистика таркибида тил фактлари ижтимоий фактлар билан тўқнашса ҳам, барибир у тилшунослик соҳаси бўлиб қолаверади. Унинг предмети, ўрганадиган асосий “мавзуси” тил, тилнинг кенг маънодаги тушунча бўлган ижтимоий контекст билан ўзаро таъсири, алоқаси ва биргаликдаги фаолияти масаласидир. Модомики, социолингвистиканинг ўрганадиган предмети тил экан, у тилшуносликда қўлланиладиган тадқиқот методларининг барчасидан фойдаланиши зарур”<sup>35</sup>, – дейди. Шундай қилиб, социолингвистик тадқиқотлар моҳиятини белгиловчи, характерловчи асосий таянч нуқта тиллар вазифасини ўрганиш, тиллар функциясининг тиллар фаолиятига мос ҳолда маконда (тилларнинг тарқалиш доираси, табақаланиши ва тақсимланиши, нутқ фаолияти жараёнида тилларнинг ўзаро муносабати) ва замонда (тил тизимларининг хизмати ва бир-бирига таъсири, нутқий ўзгаришлар, тилни эгаллаш даражаси, алоқа маданияти) интра ва экстралингвистик омиллар таъсири остида ўзгаришини кузатишдан иборатдир.<sup>36</sup> Социолингвистикада ананъанавий тилшунослик методлари ижтимоий ҳодисаларнинг натижаси сифатида қараладиган тил ҳолатининг ички тузилиши, ҳодисалар боғлиқлигини (асос тил ва ҳосила элементлар, ўзаро таъсирнинг лисоний жиҳатлари каби) асослашга қаратилган текширишларда қўлланиши мумкин. Тилларнинг функционал тақсимланиши, тил вазиятларининг юзага келиш сабаблари, гуруҳларнинг коммуникатив тил тизими, тиллар функциясининг

<sup>32</sup> Аврорин В.А. О предмете социальной лингвистики // Всесоюзная научная конференция по теоретическим вопросам языкознания. – М.: 1974. – С. 7.

<sup>33</sup> Никольский Л.Б. Синхронная социолингвистика. Теория и проблемы. – М.: Наука, 1978. – С.144-145.

<sup>34</sup> Швейцер А.Д. Современная социолингвистика: Теория, проблемы, методы. – М.: Наука, 1976. – С. 58.

<sup>35</sup> Швейцер А.Д. Современная социолингвистика: Теория, проблемы, методы. – М.: Наука, 1976. – С.58.

<sup>36</sup> Шмелев Ю.А. Социолингвистическая модель в комплексном исследовании языковых ситуации. // Язык в контексте общественного развития. – М.: 1994. – С. 84.

ижтимоий бўлиниши, моноглоссик, диглоссик аҳоли салмоғи, билингвизм ҳодисалари ва уларнинг тарихий сабаблари каби ҳодисалар эса социолингвистик методлар воситасида ҳал қилинади. Бундай ҳолатда социолингвистик тадқиқотларга статистик, математик, жамиятшунослик ва бошқа фанлар методларини жалб қилиш мумкин. Шундай қилиб, “ҳозирги замон ижтимоий тилшунослиги “тил ва жамият” муаммолари билан боғлиқ бўлган ниҳоятда кенг ва ранг-баранг масалалар мажмуини ҳал қилишда тилшунослик, жамиятшунослик, тарих, этнография, ижтимоий психология, математик статистика ва қатор ижтимоий, табиий (аниқ) фанларнинг метод ва усулларига, конкрет тадбирларига мурожаат қилади”.<sup>37</sup>

Социолингвистиканинг фанлараро характерини ҳисобга олиб, ундаги қўлланиладиган тадқиқот методлари ва усулларини икки гуруҳга ажратиш зарур: 1) Лисоний материалларни йиғиш методлари ва манбалари. 2) Материалларни социолингвистик таҳлил қилиш методлари.<sup>38</sup>

Социолингвистик тадқиқотларда лисоний материалларни йиғиш методлари, уни қандай манбалардан ва нима мақсадда йиғиш муаммоси ҳар бир изланишда янги мазмун касб этиши, тадқиқот олиб борилаётган муҳит ва соҳанинг, тил вазиятларининг характерига мос ҳолда ўзига хос тарзда татбиқ қилиниши мумкин. Социолингвистик тадқиқотларда лисоний факт ва асосларни тўплашда кенг қўлланиладиган методлар қуйидагилардир: 1) бевосита кузатиш; 2) анкета юритиш; 3) интервью олиш; 4) хужжат манбаларини таҳлил қилиш; 5) тажрибалар ўтказиш.

Айтиш мумкинки, социолингвистиканинг тадқиқот объекти ва йўналиши, қизиқадиган муаммолари, фан сифатидаги қиёфаси ва доираси, алоҳида фаолият кўрсатиш ҳуқуқи белгилаб олинган.

**1.4. бўлим “Социолингвистик тушунчалар ва уларнинг Қорақалпоғистондаги тиллар вазияти муаммоларига татбиқи”** деб номланди. Социолингвистика билан шуғулланувчи олимларнинг турли-туман назарий асосларга таянганлиги, ҳар хил методология ва методларга асосланганлиги, ғоя ва дунёқараш нуктаи назаридан кўп оқим ва йўналишларнинг ифодачиси эканлиги ҳам бу соҳадаги термин ва тушунчаларни тартибга солиш, уларнинг бирлигини сақлаш, ягона тушунча атрофида бирлаштириш имконини бермайди. Бунинг устига ўзбек тилшунослигида маълум ҳудудлар бўйича социолингвистик тадқиқотлар умуман юритилмаган. Шу сабабли ишда қўлланилган қуйидаги терминларни изоҳлаш, қандай маънода ишлатилаётганини тушунтириш зарурати туғилди.

Тил вазияти – социолингвистиканинг марказий объектларидан бири бўлиб, бир тил, унинг шакллари ёки бир неча тил ва шаклларининг бирор ҳудудда, маълум тарихий даврда, муайян ижтимоий омиллар таъсирида ўз хизмат, вазифаларини адо этишини англатади.

<sup>37</sup> Бондалетов В.Д. Социальная лингвистика. – М.: Просвещение, 1987. – 144 с.

<sup>38</sup> Бондалетов В.Д. Социальная лингвистика. – М.: Просвещение, 1987. – 144 с. Ушбу асарда кўрсатилган метод ва усуллар диссертацияга асос қилиб олинди, улар объектнинг характерини, тадқиқот мақсади ва вазифаларига боғлиқ ҳолда янги мазмун билан бойитилди, аниқ шароитга татбиқ қилинди.

Тил ҳолати – тилнинг ички қурилиши (унинг барча кўринишларини кўшган ҳолда) билан ташқи функционал томонининг ўзаро алоқаси, биргаликдаги фаолияти, бир-бирига таъсири натижасида майдонга келади. Социолингвистика учун тилнинг ички томони ҳам, ташқи (нолингвистик) томони ҳам бирдай аҳамиятлидир. Аммо тилнинг ички томони кўпроқ анъанавий ва систем-структур тилшуносликда ўрганилади. Социолингвистика уни такроран ўрганмайди, балки ижтимоий аҳамиятга молик тил шакллари тадқиқ этади.

Тил мавжудлиги шакллари – 1) адабий тил; 2) умумхалқ (сўзлашув тили); 3) койне (диалектдан юқори мавқеда турувчи тил шакли); 4) оғзаки сўзлашув тили; 5) пижин тиллари; 6) креол тили; 7) ҳудудий диалект; 8) ижтимоий диалектларнинг баъзи хиллари.<sup>39</sup>

Ижтимоий-коммуникатив тизим. А.Д. Швейцер: “Тил жамоасининг лисоний воситалари йиғиндиси ягона ижтимоий-коммуникатив тизимини ташкил қилади”,– дейди<sup>40</sup>. Ижтимоий-коммуникатив тизим деганда 10-20 кишилик энг кичик жамоадан бошлаб, катта жамоалар ва то миллатгача бўлган кишилар уюшмаси тушунилади (у социум деб ҳам юритилади). Тил системасидан фарқли равишда бу ижтимоий-коммуникатив тизимга фақат шу жамоа қўллайдиган, нутқ жараёнида ишлатадиган тил воситалари мансуб бўлади.

Социолингвистик модель. Ўрганилаётган ҳудуднинг ижтимоий, лисоний омилларга боғлиқ ҳолда мавжуд бўлган тил ҳаёти ва барча тил хусусиятларининг яхлит кўриниши ёки ҳолати социолингвистик моделни ташкил қилади.

Тиллар вазифаси. Тадқиқотда тилларнинг ижтимоий ва коммуникатив вазифалари ўрганилди, уларнинг жамият ҳаётидаги қўлланилиш манзараси очиб берилди. Кези келганда таъкидлаш лозимки, тилларнинг экспрессив, эстетик, гноселогик (дунёни билиш) вазифалари ушбу тадқиқот предметига кирмайди.

Тил танқислиги. Тил танқислиги деб тилнинг шундай ҳолати тушуниладики, бунда тил ижтимоий ҳаётининг у ёки бу соҳасида ўз хизмат ва вазифаларини бажаролмайди ёки унинг хизмати ногна тенг бўлади.<sup>41</sup>

Тилнинг мутлақ яккаҳокимлик, нисбатан яккаҳокимлик, параллель ёки баравар бажариш, тўлиқ бўлмаган ёки бир-бирини тўлдирувчилик, спорадик (тасодифий, онда-сонда) ёки алмаштирувчилик функцияси, ноль функция, унвонланган миллат, тил экспансияси, тил нигилизми, социолингвистик ўзгарувчанлик, тилларнинг функционал таснифи каби термин ва тушунчаларга изоҳ ва шарҳлар берилди, терминларнинг қўлланиш ўринлари кўрсатилди.

<sup>39</sup> Бондалетов В.Д. Социальная лингвистика. – М.: Просвещение, 1987. – С. 46.

<sup>40</sup> Швейцер А.Д. К проблеме социальной дифференциации языка//Вопросы языкознания. – М.: 1982, №5. – С 42.

<sup>41</sup> Туманян Э.Т. Законы о языках и возможности их реализации // Язык в контексте общественного развития. – М.: 1994. – С. 77.

**“Қорақалпоғистондаги лисоний вазият ва унинг социолингвистик таҳлили”** деб номланган иккинчи бобнинг **2.1.** бўлимида Қорақалпоғистондаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, демографик вазият ва худуд тилларининг фаолияти таҳлил қилинди.

Қорақалпоғистон Республикаси Ўзбекистон Республикасининг шимоли-ғарбий томонида жойлашган, умумий ер майдони 166,6 минг км<sup>2</sup>., яъни Ўзбекистон худудининг 37% ини ташкил қилади. Аҳолиси 1898329 киши, аҳолининг ўртача зичлиги 1 км<sup>2</sup>га 11,2 кишига тўғри келади. Республика худуди 16 та туман (Амударё, Беруний, Бўзатов, Эллиққалъа, Тўрткўл, Қораўзак, Кегайли, Тахтакўпир, Чимбой, Хўжайли, Қонликўл, Шуманой, Кўнғирот, Мўйноқ, Нукус, Тахиатош), 12 та шаҳар, 16 та шаҳар типидagi шаҳарчалардан иборат. Қорақалпоғистон Республикаси шимолий, шимоли-ғарб, ғарб ва шарқий томонлардан Қозоғистон Республикасининг Манғистау, Оқтўба, Қизилўрда вилоятлари, жанубий ва ғарбий томонлардан Ўзбекистон Республикасининг Навоий, Бухоро ва Хоразм вилоятлари, Туркманистон Республикасининг Тошхөвүз, Балкан вилоятлари билан чегараланган. Қорақалпоқ халқи ўз давлатчилигига эга бўлишининг тарихий аҳамияти шундаки, унинг асосий қисми Қорақалпоғистон худудида яшайди. Ҳозирги кунда республикада 700000 ган яқин қорақалпоқлар ҳаёт кечирмоқда. Кўринадики, қорақалпоқ миллатининг энг зич ва бир маъмурий-бошқариш тизимида истиқомат қилиш ўрни Қорақалпоғистон Республикаси худудидир. Бу ҳолат қорақалпоқларга миллат сифатида ўзига хослиги, миллий характери ва урф-одати, маданияти, санъати, адабиёти, этнопсихологик хусусиятлари, турмуш тарзини сақлаб қолиш имконини беради.

Қорақалпоғистон халқининг қолган қисмини Тўрткўл, Беруний, Амударё, Эллиққала, Хўжайли туманларида зич яшовчи ўзбеклар, қозоқлар, туркманлар ташкил қилиб, улар азалдан ушбу худудда ўтроқ ҳаёт кечиришган.

Қорақалпоғистон худудида яшаётган руслар, корейслар, татарлар, арманлар, яҳудийлар, украинлар, белоруслар, поляклар, бошқирд ва ҳ.к. миллат вакиллари бу худудга асосан XX асрнинг 40-йилларидан ўрнашган. Кейинги йилларда содир бўлган экологик фожеа оқибатлари бу миллатларни худудни тарк этишга мажбур қилмоқда.

Бундай ижтимоий-сиёсий жараёнлар, маъмурий-худудий бўлинишлар, худуддаги халқ оммаси ёйилиши, ўрнашинининг ҳозирги ҳолати ва тарихий илдизларини кўриб чиқиш, таҳлил қилиш шунини кўрсатадики, ҳар бир худуднинг тил вазияти ўша худудда юз берган ва содир бўлаётган этнолингвистик, ижтимоий-демографик, тарихий-маданий омиллар оқибатида майдонга келади. Чунки жамият ҳаётида содир бўлган ҳар қандай ўзгариш, жамият тузилмаларидаги ҳар қандай эволюция, энг аввало билвосита тилда акс этади. Жамиятшунослик ҳар бир худудга ижтимоий-худудий бирлик, тузилма деб қараб, бутун мамлакат ижтимоий алоқаларининг характери конкрет маконлардаги кўринишларда ўз ифодасини топишини кўрсатади ва худудлар аҳолисини ўзига хос ижтимоий гуруҳлар,

жамоалар деб ҳисоблайди.<sup>42</sup> Социолингвистика ҳам ҳар бир ҳудудни ижтимоий-ҳудудий жамоа деб билади ва мамлакатнинг тил ҳаёти ҳудудлар тил ҳаёти ва жараёнлари мажмуидан пайдо бўлади. Демак, ҳар бир ҳудудда юз бераётган тил жараёнлари, вазиятлари маълум тарихий ҳодисалар, воқеалар, давлат тил сиёсатининг оқибатларидан келиб чиқади. Шу сабабли ҳам ҳудудлардаги тил вазиятларини ўрганиш жамият тил ҳаётининг сир-синоатларини билишга, тиллар эволюциясининг келгуси тараққиётини тасаввур қилишга ёрдам беради. Давлат тилининг жамиятда қўлланилиши, унинг ижтимоий соҳаларда амал қилиши каби социолингвистик жараёнлар ҳудудлардаги тиллар вазияти билан белгиланади. Бунда умумийликдан хусусийликни, бутундан қисмни ажратиб қарамаслик, бир бутун жамиятнинг тил ҳаёти ҳудудларда тилларнинг фаолият кўрсатиш даражасига боғлиқ бўлишини эсдан чиқармаслик керак. Қорақалпоғистондаги тиллар вазияти бутун мамлакатда содир бўлаётган тиллар жараёни, бу ҳудуддаги тиллар тақдири эса Ўзбекистон Республикасидаги тиллар вазиятига, тақдирига боғлиқ. Шунинг учун ҳам бутун бир мамлакатнинг тил ҳаёти ҳудудий тилларнинг ҳаёти билан боғлиқ, уларнинг эволюцион ривожланиши мамлакатдаги давлат тилларининг ривожига ўз таъсирини ўтказади, бу эса мамлакатда тил сиёсатини онгли ва одилона олиб боришга ёрдамлашади. Бу жиҳатларни ҳисобга олган ижтимоий тилшунослик кейинги даврларда ҳар бир ҳудуд, бутун бир мамлакат, давлатнинг тил вазиятини мажмуий социолингвистик модель (андоза) асосида ўрганиш масаласини илгари сурмоқда. Зотан, бутун бир мамлакатнинг тил вазияти, лисоний ҳаёти, давлатнинг олиб бораётган тил сиёсати унинг ҳудудларидаги тил вазиятлари негизида юзага келади ва таркиб топади.

Бобнинг **“Қорақалпоғистондаги тиллар вазияти ва унинг мавжудлик шакллари”** деб номланган **2.2.** бўлимида ҳар хил тизимга, турли тил оилаларига мансуб тилларнинг жамиятдаги ижтимоий хизмат ва вазибалари, функционал тараққиёти таҳлил қилинди.

Мазкур тилларнинг функционал имкониятлари, ҳолати, тил ички қурилиши ривожланишининг ижтимоий кўрсаткичлари, жамият эҳтиёжларига хизмат қила олиш даражаси ҳам бир хил эмас. Ҳудуддаги тилларнинг ривожланиш динамикаси, ўз ёзувига эга эканлиги ёки эга эмаслиги нуқтаи назаридан қуйидагича таснифлаш мумкин: а) қадимий ёзув анъанасига эга бўлган (ўзбек, рус); б) кейинчалик ёзувига эга бўлган (қозоқ, туркман); в) ёзувига эга бўлмаган (қорақалпоқ); г) ўз ёзувини йўқотган ёки ёзуви унутилган (корейс).

Қорақалпоғистон Республикасидаги тиллар вазиятини, ҳозирги ҳолатини тасвирлаш ва тавсифлашда уларнинг тарихий ўтмишига назар ташлаш, диахроник маълумотларга таяниш, тил эволюциясидаги синхрон ҳолатнинг майдонга келишидаги тарихий илдизлар ва манбаларнинг ролини кўрсатиб бериш ниҳоятда зарурдир. Ушбу масалани Қорақалпоғистондаги давлат тилларини таҳлил қилишдан бошлаш мақсадга мувофиқ.

---

<sup>42</sup> Аитов Н.А. Социальное развитие регионов. – М.: Наука, 1985. – С.15.

**1. Ўзбек тили.** Ҳозирги пайтда ўзбек тилининг ижтимоий хизмат ва вазифалари кенгаймоқда. Қорақалпоғистон шароитида ҳам бунга алоҳида эътибор берилмоқда. 1993 йилнинг 9 апрелида Қорақалпоғистон Республикасининг янги Конституцияси қабул қилинди ва унда ўзбек тили қорақалпоқ тили билан бир қаторда давлат тили деб белгиланди. Мустақиллик йилларида Қорақалпоғистонда ўзбек тили келтирилган 28 соҳанинг 25 тасида фаолият кўрсата бошлади. Аксинча, рус тили мустақилликгача 20 соҳада фаолият кўрсатган бўлса, ҳозир 14 соҳада фаолиятини давом эттирмоқда. Баъзи соҳаларда у қорақалпоқ, ўзбек тиллари билан ёнма-ён равишда қўлланиб, ўзаро ўриндошлик вазифасини бажармоқда. Бу соҳаларда ҳам ўзбек ва қорақалпоқ тилларининг ҳуқуқий ва қонуний мақомини тиклаш зарур.

Қорақалпоғистон ҳудудида ўзбек тили тил мавжудлигининг тўрт, яъни: 1) умуммиллий адабий тилининг оғзаки; 2) умуммиллий адабий тилининг ёзма; 3) ҳудудий диалектлар; 4) адабий тилнинг касб-хунар соҳаси тили шаклида фаолият кўрсатади.

**2. Қорақалпоқ тили.** Қорақалпоғистон Республикасида қўлланаётган асосий тиллардан бири бўлиб, унвонланган миллат, яъни шу тилда гаплашувчи қорақалпоқ халқининг миллий тилидир.

Қорақалпоқ тили 1924 йилдан эътиборан ўз ёзуви, адабий тили, тармоқланган диалектал хусусиятларига эга бўлган тил сифатида фаолият кўрсатмоқда.

Қорақалпоқ тили мустақилликгача бўлган даврда 29 та ижтимоий соҳанинг 15 тасида ўз ижтимоий хизмат ва вазифаларини адо этган, қолган 14 соҳада унинг ижтимоий вазифалари нолга тенг эди. Мустақиллик йилларида қорақалпоқ тили қайд этилган соҳаларнинг 24 тасида ўз ижтимоий хизмат ва вазифаларини тиклади, фақат 5 соҳада у фаол қўлланилмайди. Булар миллатлараро, халқаро, марказий муасасалар, МДХ, техник ҳужжатлар соҳаларидир.

1989 йилнинг 1 декабрида қорақалпоқ тили давлат тили деб эълон қилинди. Қорақалпоқ халқининг олий кадрляти ва миллий ўзлигининг асосий белгиси ҳисобланган қорақалпоқ тилининг давлат тили сифатидаги мақомини қарор топтириш бўйича анча ишлар амалга оширилди.

Иш юритишда қорақалпоқ тилининг мавқеи кўтарилди. Оммавий ахборот воситалари: матбуот, радио, телевидениеда унинг улуши оширилди. Олий ўқув юртларида факультетлараро кафедралар тузилди, бошқа миллатлар вакиллари қорақалпоқ тилига ўқитиш йўлга қўйилди.

**3. Рус тили.** Қорақалпоғистон ҳудудида рус тили ҳозир тил мавжудлигининг: а) адабий тилнинг ёзма; б) адабий тилнинг оғзаки; в) рус тилининг Қорақалпоғистондаги варианты шаклларида намоён бўлади. Рус адабий тилининг ёзма шакли ноишлаб чиқариш соҳаларининг тил қўлланишини бошқариш мумкин бўлган тармоқлари: баъзи давлат бошқарув (ички ишлар ва давлат хавфсизлиги) идораларида, таълим, оммавий ахборот воситалари (матбуот, телевидение, радиода чекланган даражада) ва



бошқаларда қўлланади. Унинг оғзаки шакли мактабларда, баъзи таълим муассасаларида кенг қўлланилади.

**4. Қозоқ тили** Қорақалпоғистонда яшовчи қозоқ миллатига мансуб аҳолининг она тилидир. Бу халқ Қорақалпоғистон аҳолисининг 20% ни ташкил қилади. Нукусда қозоқ маданий маркази ишлаб турибди. Қозоқларнинг катта қисми шаҳарларда ҳаёт кечиради.

Қозоқ тили ҳудудда тил мавжудлигининг қўйидаги шаклларида амал қилади: а) адабий тилнинг ёзма шакли; б) диалектал тил сифатида.

Қозоқ адабий тилининг ёзма шакли асосан таълим соҳасида қўлланади.

Қозоқ тилининг диалектал шакли қозоқлар зич яшайдиган ҳудудлар, баъзан шаҳарларда учрайди. Қорақалпоғистоннинг шимолий шаҳарларидаги қозоқлар тили қорақалпоқ тилининг кучли таъсири остида қолган бўлиб, қорақалпоқ тилига сингиб кетиш арафасида турибди.

**5. Туркман тили.** Туркманлар Қорақалпоғистон аҳолиси умумий миқдорининг 2%ини ташкил қилади. Туркманлар Қорақалпоғистоннинг жанубий туманлари Тўрткўл, Беруний, Эллиққалъа, Амударё, шимолий туманларидан Шуманой, Қўнғирот, Хўжайлида яшайди.

Туркман тилининг ёзма шакли ўқиш-ўқитиш ишларида амал қилади. У бошқа соҳаларда расмий тил сифатида қўлланмайди. Қорақалпоғистон ҳудудидаги туркманлар тили ўз манбаи – туркман адабий тили ва диалектларидан йироқдалиги сабабли унинг амал қилиш даражаси ниҳоятда чекланган. Туркман тили диалектал тил сифатида туркманлар яшаётган ҳудудда фаол қўлланади.

Қорақалпоғистонда туркман тилини туркман халқининг олий кадрияти сифатида сақлаб қолиш, унинг ижтимоий хизматларини тўла адо этишига оид барча имкониятлар яратиб берилган.

**6. Корейс тили.** Қорақалпоғистонда 6 мингга яқин корейс миллатига мансуб кишилар истиқомат қилади.<sup>43</sup> Корейслар бу ҳудудга иккинчи жаҳон урушидан кейинги даврларда келиб ўрнашганлар. Улар тили, урф-одати, маданий хусусиятларини сақлаб қолишган. Қорақалпоғистон корейсларининг аксарияти рус тилини ўз она тили деб ҳисоблайдилар. Чунки уларнинг кўпчилиги рус тилида савод чиқарган, билим олган. Корейс тили тил мавжудлигининг фақат бир шакли, яъни корейс тилининг Қорақалпоғистондаги варианты сифатида фаолият кўрсатади. Корейс тили оилавий турмуш, ўз миллатдошлари доирасида қўлланилади, холос.

Бобнинг **“Қорақалпоғистондаги тилларнинг ижтимоий шароит, муҳит ва соҳаларга боғлиқ ҳолда фаолияти ва қўлланилиш шакллари”** деб номланган **2.3.** бўлимида ҳудуддаги тил вазиятлари таҳлил қилинган.

Дунё мамлакатлари ва турли ҳудудлардаги тил вазиятларини таҳлил қилишда олимлар уларни оддий ва мураккаб тил вазиятларига ажратадилар.<sup>44</sup> Оддий тил вазиятлари бир тилли жамиятларда воқеланиб, улар диглоссия ёки бир тил турли вариантлари (адабий тил ва диалектлар)нинг фаолият кўрсатиши билан характерланади. Мураккаб тил вазиятлари эса

<sup>43</sup> Қорақалпоғистон Республикаси Статистика бош бошқармаси маълумотлари.

<sup>44</sup> Абдуллаев Ю.Н., Бушуй А.М. Язык и общество. – Т.: Фан, 2002. – С.161.

полилингвистик (кўп тилли) характерда бўлиб, турфа тилларнинг фаолият кўрсатиши тарзида намоён бўлади. Унинг энг типик кўриниши билингвизм ҳодисасидир.

Қорақалпоғистон ҳудудидаги тиллар вазияти мураккаб характерда бўлиб, бу ҳудудда ранг-баранг тиллар оиласига мансуб, ривожланиш даражаси ҳар хил, ижтимоий функциялари, қўлланилиш доиралари ва социал шароити бир-биридан фарқланувчи тиллар фаолият кўрсатади. Турмуш ривожланган сайин тилларнинг қўлланиш доиралари, муҳити кенгая боради, уларга хос янги ижтимоий вазифаларнинг юзага чиқиши кучаяди. Айтиш мумкинки, мавжуд ижтимоий шароит тил қўлланиши даражаси ва ривожланишини белгиловчи асосий омилдир.

Коммуникатив муҳит ҳудуди бир давлатнинг, бир тилнинг тарқалиш зонасига ҳам тўғри келмайди. У этник, ижтимоий гуруҳлар ва диалектларга ҳам тенг эмас. Коммуникатив муҳит мазкур тил шакли билан алоқа қилувчиларнинг интенсив мулоқоти натижаси ёки маълум бир доирадаги кишиларнинг доимий, анъанавий алоқа воситаси ёки тил шаклининг бир кўринишидир. Коммуникатив муҳит А.Д.Швейцернинг “Тил (нутқ) жамоаси” (языковой (речевой) коллектив), Дж. Гамперцнинг “Тил умумийлиги” (языковая общность)<sup>45</sup> тушунчаларига мос келади.

Коммуникатив муҳитлар социолингвистик зоналарга бирлашади ва зоналар ўз ичида турли-туман коммуникатив муҳитларга эга бўлиши мумкин. Бу зонага тааллуқли кишилар оммаси зона ичидаги бошқа коммуникатив муҳитдаги кишилар билан умумий бир тил, яъни зонага хос тилда алоқа қила оладилар. Умумий тил социолингвистик зонанинг лисоний қиёфасини кўрсатадиган энг муҳим белгидир. Бу эса уни алоҳида социолингвистик ареал сифатида тасаввур қилиш ва тасвирлаб беришга имкон яратади.

Қорақалпоғистон ҳудудидаги тилларни икки катта социолингвистик зонага ажратиш мумкин: 1) жанубий – ўзбек тилли зона, 2) шимолий – қорақалпоқ тилли зона.

Бу икки социолингвистик зона ўз характери, халқининг таркиби, лисоний-психологик жиҳатлари, урф-одатлари, тиллар муносабати, миллий хусусиятлари, иқтисодий тараққиёти, маданий қадриятлари жиҳатидан бир-биридан фарқланиб туради. Бу зоналарда тилларнинг тарқалиши ҳам ўзига хос. Уларда билингвизм, полилингвизм, диглоссия (бир тилнинг ҳар хил кўринишлари) ҳодисаларининг тарқалиш даражаси, таркиби, характери турлича. Бу зона тилларидаги ички жараёнлари ўзига хос тарзда намоён бўлади. Қорақалпоғистон тиллар вазиятида ҳар бир зонанинг муносиб ўрни бор.

Учинчи боб **“Қорақалпоғистонда қорақалпоқ тилининг ижтимоий функциялари ва унинг социолингвистик таҳлили”** деб номланган бўлиб, **“Қорақалпоқ тили ижтимоий функцияларининг амалга ошиш шароити**

---

<sup>45</sup> Швейцер А.Д. К проблеме социальной дифференциации языка //Вопросы языкознания. – М.:1982. – №5.– С 42.

**ва муҳити”** деб аталган **3.1.** бўлимида қуйидаги масалаларга эътибор қаратилди:

Қорақалпоқ бадиий адабиёти, бадиий тили ҳам ўтган асрнинг 50-йилларига келиб алоҳида услуб сифатида шаклланди ва ўз такомиллига эришди. Ҳозир у алоҳида функционал услуб сифатида халқ томонидан тасаввур қилинади ва алоҳида ташкил қилинган тизим (бадиий тил тизими) сифатида фаолият кўрсатмоқда.

Қорақалпоқ тилидаги илк дарслик ва қўлланмалар ўтган юзйилликнинг 28-30-йилларида дунё юзини кўрди.<sup>46</sup> Бу китоблар қорақалпоқ тили илмий услубининг дастлабки намуналари саналади. Қорақалпоқ адабий тили оммавий, расмий иш қоғозлари услубларининг шаклланиши ва қарор топиши ҳам қорақалпоқ халқи ижтимоий ҳаётида, турмуш тарзида мазкур услублар шаклланиши учун зарур ижтимоий-тарихий шароит ва ижтимоий-ҳаётий негиз пайдо бўлган даврларга тўғри келади.

Тил қўлланилишининг ижтимоий-тарихий шароити тарихан ўзгарувчандир. У тилнинг ҳар хил формациялар, тузумлар, ижтимоий-сиёсий, маъмурий-бошқарув тизимларидаги қўлланиш хусусиятларини назарда тутаяди. Ҳар бир муҳитда тилнинг у ёки бу шакли амал қилиши, муайян муҳитнинг ўрни ва даврига қараб тил қўлланилиши характери, амал қилиш шакллари ўзгариши мумкин. Масалан, тил қўлланилишининг оилавий-турмуш муҳитида оила аъзолари орасидаги лисоний муносабат бир хил шаклда амалга ошмайди. Оилада катта ёшдагилар ва болалар, агар оила турли миллат вакилларида ташкил топган бўлса, улар орасидаги муносабат, болаларнинг қайси тилда ўқишига қараб бўладиган алоқа, оиланинг ўқимишли, касбий билимга эга бўлган аъзолари билан бундай тайёргарликка эга бўлмаган вакиллари ўртасидаги алоқа, оила аъзоларининг жинси, ёши, ижтимоий ҳолати (ота – ўғил, она – қиз, қайнота – келин, қайнона – келин ва ҳ.) ва бошқа омилларга қараб бўладиган тил алоқалари бир хил шаклда амалга ошмайди. Демак, тил қўлланилишининг муҳити тил амал қилишини, унинг шакл ва характерини белгиловчи асосий омиллардан биридир. Дарҳақиқат, ҳар қандай тил шу мақсадда қўлланади ва унинг қандай шаклда қўлланиши муҳитга, тил амал қилишининг ўрнига боғлиқ. Қорақалпоқ тили ижтимоий функцияларининг амалга ошишини шундай тахлитда кўрсатиш мумкин: Қорақалпоқ тили ижтимоий функциялари амалга ошишининг ижтимоий тарихий шароити > унинг қўлланилиш муҳити ва соҳалари > тил мавжудлигининг шакллари (адабий тил, диалект, касб тили) > тил ички тузилиши. Бу чизмадаги олдинги икки халқа тилнинг жамият ва ижтимоий ҳаёт билан боғлиқ томонлари бўлиб, улар кейинги халқаларнинг шаклланиши, таракқиёти, таркиб топиши ва ўзгаришини асослайди.

Баъзи олимлар тил қўлланилиши муҳити билан тил соҳаларини кўп ҳолларда ажратавермайдилар. Бизнинг нуқтаи назаримиз муҳит ва соҳа лексемалари ифодаловчи тушунчаларни алоҳида-алоҳида талқин қилган,

<sup>46</sup> Қарақалпоқ элипбеси (коллектив). – Тўрткўл: 1929; Қарақалпоқша тил сабағи (коллектив). – Тўрткўл: 1930; Ералиев Б. Хат танъў. – Тўрткўл: 1929; Сейтмуратов П. Саъаъи азларға оқъў китаби. – Тўрткўл: 1929; Алпаров Г., Убайдуллаев К., Айымбетов Қ. Қарақалпоқ тилиниң жаңа имласы. – Тўрткўл: 1933.

уларнинг фарқли таснифини берган В.А. Аврорин, Ю.Д. Дешериев, В.Д. Бондалетов, Л.Б. Никольский, А.Д. Швейцер сингари лингвистлар фикрига мосдир.

### **3.2. бўлим “Ижтимоий шароит ва Қорақалпоғистонда тил шакллари фаолияти” деб номланган.**

Қорақалпоғистон худудида қорақалпоқ тилининг тўла амал қилиши учун шароит яратиб бериш, азалий миллий кадриятларни тиклаш, қорақалпоқ тили ҳуқуқий ваколатларини ҳимоя қилиш мақсадида унга давлат тили мақоми берилди. Натижада унинг эркин амал қилиши учун тўсиқ бўлувчи жараёнлар барҳам топди. Қорақалпоқ тилининг Республикада тўла амал қилиши, ҳаётнинг барча соҳаларида эркин қўлланиши учун маълум ҳуқуқий асос яратилди ва у ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида кенг қўллана бошлади.

Барча соҳаларда қорақалпоқ тилининг ижтимоий хизмат ва вазифалари йилдан-йилга ошмоқда, унинг баракали таъсири айниқса сўнгги пайтларда яққол кўзга ташланмоқда.

#### **Қорақалпоқ адабий тили ижтимоий функцияларининг таълим соҳасида кенгайиши.**

Қорақалпоқ тилининг бошланғич синфларда асосий таълим тили сифатида қўлланиши шимолий социолингвистик зонанинг олти туманида ва Нукус шаҳрида аниқ ўз тасдиғини топади. Ушбу жиҳат бошланғич синфларда қорақалпоқ тилида таълим олувчи ўқувчилар сони ва фоизи даражасининг аниқ миқдорларида яққол кўзга ташланади. Қорақалпоғистон бўйича I-IV синфларда қорақалпоқ тилида 40032 ўқувчи таълим олади. Шундан Нукус шаҳрида 8090 (20,2%), Чимбой туманида 6193 (15,4%), Кегайли туманида 5197 (12,9%), Хўжайли туманида 3847 (9,6%), Нукус туманида 3299 (8,2%), Қонликўл туманида 2879 (7,2%), Қораўзак туманида 2520 (6,3%) ўқувчи бошланғич синфларда таълим олади. Ушбу олти туман ва Нукус шаҳрида Қорақалпоғистон тиллар вазиятида бошланғич синфларда қорақалпоқ тилида таълим олувчи ўқувчиларнинг 79,8%и тўпланган. Бу кўрсаткич мазкур ҳудудларда қорақалпоқ тилли ва қорақалпоқ миллатига мансуб аҳолининг кўп яшашидан дарак беради. Қолган ўн туман ва Тахиатош шаҳрида I-IV синфларда таълим олувчи барча ўқувчиларнинг 20,2%и жамланган. Кўринадики, бошланғич синфларда қорақалпоқ тилида таълим олувчи барча ўқувчиларнинг 1,5% игина жанубий социолингвистик зона – Амударё, Беруний, Эллиққалъа, Тўрткўл туманлари аҳолиси зиммасига тўғри келади. Ушбу ҳолат мазкур ҳудудларда қорақалпоқ тилли аҳолининг ниҳоятда оз истиқомат қилиши, қорақалпоқ тилининг бошланғич таълим соҳасидаги ижтимоий хизмат ва вазифаларининг чекланганлигини кўрсатади.

V-IX синфлар таълимида ҳам бошланғич синфлар таълимидаги манзара кўзга ташланади. V-IX синфларда қорақалпоқ тилида таълим олувчи ўқувчилар асосан Нукус шаҳри ва олти туманда жамланган. Бу олти туман ва Нукус шаҳри зиммасига V-IX синфларда қорақалпоқ тилида таълим олувчи барча ўқувчиларнинг 81,7%и тўғри келади. Чунончи, Нукус шаҳрида 12218 (22,5%), Чимбой туманида 7930 (14,6%), Кегайли туманида 6502

(12,9%), Нукус туманида 4113 (7,6%), Хўжайли туманида 4676 (8,6%), Қораўзак туманида 3369 (6,2%), Қонликўл туманида 3679 (6,8%), республика тасарруфидаги таълим муассасаларида 1814 (3,4 %) ўқувчи таълим олади. Юқори синфларда қорақалпоқ тилида таълим олувчилар (Амударё, Беруний, Эллиққалъа, Тўрткўл) тўрт туманда барча миқдорнинг атиги 1,1%ига тенг бўлиб, 629 ўқувчидан иборат.

Ҳозирги кунда республикада 9 академик лицей, 88 касб-хунар коллежлари фаолият кўрсатаётган бўлиб, лицейларда 7552 ўқувчи таълим олади. Уларнинг 4195 нафари (55,6%) қорақалпоқ тилида ўқийди. Коллежлардаги 89997 ўқувчининг 56743 нафари (63,0%) қорақалпоқ тилида таҳсил олади. Демак, қорақалпоқ тилининг ўрта-махсус таълим соҳасида ҳам яққаҳоқимлиги таъминланган.

Бугун Қорақалпоғистонда 9 та олий таълим муассасаси фаолият кўрсатмоқда. Уларда 28000 дан кўпроқ талаба билим олмоқда. Асосий таълим тили қорақалпоқ тили ҳисобланиб, кейинги йилларда баъзи факультетларда ўзбек гуруҳлари ташкил қилинган. Уларда рус, ўзбек, қорақалпоқ тиллари асосий фан сифатида ўқитилади.

Қорақалпоқ тили ижтимоий вазифаларининг оммавий ахборот воситалари соҳасида яққа ҳоқимлиги тўла таъминланган.

Мустақиллик йилларида қорақалпоқ тилининг илмий ва бадиий адабиётлар нашри бўйича танҳо ҳоқимлиги барқарор равишда таъминланган дейиш мумкин.

Қорақалпоғистонда тарғибот-ташвиқот ишлари, асосан, қорақалпоқ тилида олиб борилади, зарурати бўлганда ўзбек ва рус тилларида юритилади.

Нукусда санъат соҳасида ташкилотларнинг барчаси қорақалпоқ тилида фаолият кўрсатади. Қорақалпоқ тили учун янги ижтимоий хизмат турларидан бири кино санъатидир. “Қорақалпоқфильм” киностудияси ўз имкониятига қараб қорақалпоқ тилида кинофильмлар суратга олмоқда ва режалаштирилган фильмларни дубляж қилиш билан шуғулланмоқда. Қорақалпоқ тилининг маънавий-маърифат соҳасидаги хизматлари ҳам анча тараққий қилган. Қорақалпоғистонда маданий-маърифий ишларининг салмоқли улуши шимолий социолингвистик зонада қорақалпоқ тилида, жанубий зонада эса ўзбек тилида олиб борилади.

Республикада асосий давлат тили ўзбек тили бўлганлиги сабабли Ўзбекистон ҳудудида фаолият кўрсатишга мўлжалланган расмий ҳужжатлар ўзбек ва рус тилларида, Қорақалпоғистон ҳудудида амал қилиши мўлжалланган расмий ҳужжатлар қорақалпоқ тилида тайёрланади. Ўзбекистондан ташқари мамлакатларга, бошқа мамлакатлар ҳудудларидаги корхоналарга йўлланадиган ҳужжатлар, шартномалар асосан рус тилида, зарурати бўлганда инглиз тилида битилади.

Қорақалпоқ тили Қорақалпоғистондаги асосий муассасалар ва тармоқларда (вазирликлар, бошқармалар, кўмиталар) расмий давлат тили сифатида қўлланилади, фақат икки соҳа (миллий хавфсизлик кўмитаси ва ички ишлар вазирлиги) рус тили расмий тил сифатида танҳо ҳоқимлик вазифасини бажаради. Бошқа соҳаларда асосан қорақалпоқ тили

қўлланилади, ўзбек ва рус тиллари қорақалпоқ тили билан ёнма-ён равишда чекланган миқдорда функционал аҳамият касб этади, холос.

**3.3. бўлим “Қорақалпоқ тилининг бошқа тиллар билан ўзаро алоқаси ва уларнинг бир-бирига таъсири”** деб номланади.

Тилларнинг бир-бирига ўзаро таъсири икки йўл билан: а) ижтимоий омилларнинг тил тараққиёти жараёнларига табиий (стихияли) таъсири ва б) ижтимоий омилларнинг тиллар тараққиёти, амал қилиши ва бошқа тиллар билан ўзаро алоқасига онгли таъсир қилиш йўли билан амалга ошади<sup>47</sup>. Муайян тилнинг бошқа тил тараққиёти ва ҳаётига онгли таъсир қилиш йўли билан аралашуви оқибатида кўпгина ижобий ва салбий жиҳатлар майдонга чиқиши мумкин. Шу сабабли ҳам инсоният тарихида тиллар эволюцияси бобида улар ривожланишининг турфа шакл ва усуллари, босқичлари юзага келган. Тилларнинг ўзаро таъсири ва алоқаси бир хил бўлмайди. Уларнинг бир-бирига таъсири мавжуд тил эгаларининг тарихий, ижтимоий, лисоний, этник ва бошқа алоқаларига боғлиқ ҳолда бевосита ёки билвосита бўлиши мумкин.

Қорақалпоқ тилига ҳам бошқа тилларнинг таъсири у тилларда сўзлашувчи халқларнинг алоқалари характери, муносабати, муносабат доираси ва манбаларига боғлиқ ҳолда ранг-барангдир. Чунончи, араб ва форс-тожик тилларининг қорақалпоқ тилига таъсири билвоситадир. Эски ўзбек тили номини олган ёзма адабиёт тили ўзига араб ва форс-тожик тилидан ўзлашган элементларни сингдирган ҳолда янги адабий тил анъанасига йўл солди. Бу тилнинг Марказий Осиёдаги қардош туркий тилларнинг шаклланиши, ёзма адабий тилларнинг такомиллашуви, ёзма адабиётларнинг пайдо бўлишида катта ўрни бор.

Маълумки, ўзбек тили туркий тиллар орасида арабча, форсча-тожикча ўзлашма сўзларни ўз аслига яқин тарзда ишлатиш хусусиятига эга. Бошқа қардош туркий тилларда улар муайян ўзгаришларга учраган, баъзилари таниб бўлмас даражага келиб қолган ҳолда қўлланади. Ўзлашмалар халқ оғзаки ижоди намуналарида ҳам, сўзлашув тили таркибида ҳам фаол учрайди. Бундай сўзлар ўз ифодасини қорақалпоқ қаҳрамонлик дostonларида топган. О. Бекбаўлов тузган луғатда 2500 та арабча, форсча ҳамда қадимги хоразм тилига оид луғавий бирликлар ва шу луғавий бирликлар иштирокидаги 5000 дан ортиқ мисоллар жамланган.<sup>48</sup> Бу сўзларнинг барчаси ўзбек тилида ўз аслига яқин кўринишда қўлланилиш қиёфасига эга. Қорақалпоқ тилида эса улар жиддий лексик-фонетик, грамматик ўзгаришларга учраган. Ўзбек тили воситасида араб, форс-тожик ва қадимги хоразм тилларидан қорақалпоқ халқ оғзаки ижоди намуналари – қаҳрамонлик дostonлари тилига ўзлашиб, унда мавжуд бўлган ва қорақалпоқ тилига сингиб, ундан мустаҳкам жой олган луғавий бирликларнинг бир қисмигина берилди. Халқ оғзаки ижоди намуналари тилида шунча луғавий бирликлар борлигидан қорақалпоқ

<sup>47</sup> Дешериев.Ю.Д. Закономерности развития литературных языков народов СССР в советскую эпоху. – М.: Нуака, 1976. – С. 29.

<sup>48</sup> Бекбаўлов О. Қаҳарманлық эпостың араб-парсы лексикасы ҳәм оның тарийхый лингвистикалык характеристикасы. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1979.

тилининг қолган жабҳаларида ҳам ўзбек тилининг сезиларли таъсири мавжудлигига шубҳа қилмаса ҳам бўлади.

Мустақиллик йилларида ўзбек тилининг қорақалпоқ тилига таъсирининг янги даври бошланди. Мазкур муаммо Н.Турабаева томонидан монографик планда тадқиқ қилинган<sup>49</sup>. Бу даврда матбуот материаллари, расмий ҳужжатларнинг барчаси аввал ўзбек тилида тайёрланадиган, сўнгра қорақалпоқ тилига таржима қилинадиган бўлди. Бу ҳолат ўз навбатида, ўзбек тилидаги баъзи сўзларнинг қорақалпоқ тилига ўзлашиб қолишига замин ҳозирлади. Бу ҳодисага биз луғат тузиш жараёнида ҳам амин бўлдик<sup>50</sup>. Дарҳақиқат, тил билан шуғулланувчи кишилар, журналистлар, ёзувчилар, матбуот ходимлари бирор тилдаги матнни иккинчи бир тилга таржима қилаётганда ёки ўхшаш воқеа, ҳодисаларни сўз билан ифодалаётганда баъзан шошмашошарликка йўл қўядилар, унинг ўша тилдаги мосини қидиришга эринадилар, шу тариқа тайёр сўзни қўллашга мойил бўладилар. Бу жиҳат бошқа тил сўзларининг иккинчи бир тилга тасодифан кириб қолишига имкон яратади. Бу воқеа сўз ўзлашишининг субъектив омилларидан биридир. Лекин бу ҳолат тил ривожланишини таъмин эта олмайди, у вақтинчалик ҳодиса бўлиб, тил ички қурилишига катта таъсир қилиши мумкин эмас. Бу жиҳат тил ривожланишининг объектив қонуниятидир.

**3.4. бўлим “Қорақалпоқ тили ижтимоий функциялари кенгайишининг тил ички тараққиётига таъсири”** деб номланади.

Баъзи ишларда оз миқдорда топилган ёзма манбаларга асосланиб, қорақалпоқ халқи октябрь тўнтаришигача бўлган даврда ўз ёзувига, ёзма адабий меросига эга эди деган фикрларни учратамиз.<sup>51</sup> Аммо мазкур фикр эгалари ва бошқа мутахассаслар бу ёзма манбалар тили қорақалпоқ оғзаки сўзлашув тили хусусиятларини акс эттирмаслигини, уларнинг тили қорақалпоқ тилидан кўра эски ўзбек тилига яқин туришини қайд қилишади.<sup>52</sup> Шу сабабли ҳам қорақалпоқ тилига тааллуқли деб ҳисобланган ёзма манбаларда Ўрта Осиёда анъанавий ҳисобланган эски ўзбек адабий тилининг катта таъсири сезилиб туради. Шу боис бундай асарларни том маънодаги қорақалпоқ тили ёдгорлиги тарзида белгилаш ўзини оқламайди.

Қорақалпоқ тили ҳақиқий адабий тил, ўзининг таянч диалектлари, умумхалқ оғзаки сўзлашув тилига асосланган тил сифатида ХХ асрнинг 20-йилларидан кейин ривожлана бошлади.

Маълумки, адабий тил миллий тиллар даврида ўзининг бошқа бир неча хусусиятлари қаторида полифункционаллиги билан ҳам ажралиб туради. Яъни ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида фаол хизмат қила оладиган

<sup>49</sup> Турабаева Н.А. Қорақалпоқ тили лексикасининг тараққиётида ўзбек тилининг таъсири. Филол. фан.номз. ...дисс автореф. – Нукус, 2008. – 23 с.

<sup>50</sup> Ўзбекча-қорақалпоқча ва қорақалпоқча-ўзбекча луғат. Тузувчилар: Ж.Базарбаев, М.Бўронов, Г.Қурбаниязов, А.Пирниязова, Ш. Аяпов. –Тошкент: Баёз, 2011. – 184 с.

<sup>51</sup> Хамидов Х.Х. Язык юридических документов XVII-XIX-XX-вв. и его отношение к современному каракалпакскому литературному языку. Автореф. дис. ...канд. филол. наук. – Нукус: 1967; Насыров Д.С. Становление каракалпакского общенародного разговорного языка и его диалектная система. – Нукус-Казань: Каракалпакстан, 1976. – С. 222.

<sup>52</sup> Хамидов Х.Х. Язык юридических документов XVII-XIX-XX-вв. и его отношение к современному каракалпакскому литературному языку. Автореф. дис. ...канд. филол. наук. – Нукус: 1967. – С.18-21.

универсал тилга айланади. Адабий тилнинг жамият ижтимоий ҳаётининг барча соҳаларида ўз хизмат ва вазифаларини адо этиши учун ўша жамиятда экстралингвистик шароит ва жараёнлар қарор топиши ва тилнинг қўлланишига зарурат пайдо бўлиши лозим. Шундай экстралингвистик шароит қорақалпоқ тили учун XX асрнинг 20-йилларидан кейингина юзага келди. Маориф ва маданият, илмий ва оммавий ахборот, иш қоғозлари, бадиий адабиёт соҳаларида муваффақиятга эришиш учун халқ саводхонлигини ошириш, ташвиқот-тарғибот юритиш, илмий-техник соҳани ривожлантириш каби ишларни ҳаммага тушунарли бўлган халқ тилида олиб бориш зарурати туғилади. Ўз навбатида адабий тилнинг ижтимоий ҳаётнинг мавжуд соҳаларида фаолият кўрсатиши учун имкон яратилади ва мазкур соҳаларда хизмат қилишга қодир тил тармоқлари – функционал услубларни шакллантиришга ёрдам берди.

Қорақалпоқ тилининг публицистик (оммавий) услубининг шаклланиши ҳам кундалик матбуотнинг пайдо бўлиш даври билан боғлиқ.<sup>53</sup> Газета ва журналлар саҳифаларида қорақалпоқ тилининг оммавий услуби шаклланди, лексик, грамматик, семантик меъёрлари қарор топди. Қорақалпоқ адабий тили илмий услубининг пайдо бўлиши ва такомиллашуви XX асрнинг 20-30-йилларига тўғри келади. Унинг дастлабки намуналари – мактаблар учун чиқарилган дарсликлар қорақалпоқ тили илмий услубининг шаклланишида катта роль ўйнади. Бу дарсликларда қорақалпоқ тили илмий баён услубининг бошланғич шакллари, илмий терминологияси ривожланишининг дастлабки куртаклари акс этди ва улар илмий услубнинг яратилишига асос бўлди

Қорақалпоқ тили функционал услубларини ўрганган Е.Бердимуратов ишлаб чиқариш, техника ва касб-хунарга оид лексик тизимга тақсимлайди ва уларни деҳқончилик, чорвачилик, балиқчилик, савдо-сотиқ, қурилиш, транспорт, йўл қурилиши, матбуот, озиқ-овқат саноати, ҳарбий иш, жисмоний тарбия ва спорт соҳаларига тегишли терминлар ва лексемаларга бўлади, уларнинг қўлланиш хусусиятларини таҳлил қилиб, бу лексик тизимнинг адабий тилни бойитишдаги роли бениҳоя эканлигини уқтиради<sup>54</sup>. Қорақалпоқ тилига қадимги даврлардан ўзлашган арабча, форсча, ўзбекча ва нисбатан кейинги даврларда кирган рус тили элементлари унинг бойиши ва такомиллашувида, эволюцион таракқиётида прогрессив ҳодиса сифатида намоён бўлади.

Тўртинчи боб **“Қорақалпоғистонда ўзбек тилининг ижтимоий функциялари ва унинг социолингвистик таҳлили”** деб номланиб, **4.1.** бўлими **“Қорақалпоғистонда ўзбек тили амал қилишининг маънавий, ҳуқуқий асослари ва унинг асосий коммуникатив соҳаларда қўлланилиши”** деб аталди.

Қорақалпоғистонда ўзбек тилли аҳоли сон жиҳатидан унвонланган қорақалпоқ миллатига нисбатан ҳам кўпроқдир. Ўзбек тили уларнинг она тиллари ҳисобланади. Маълумки, она тили асосий икки вазифани бажаради:

<sup>53</sup> Бердимуратов Е.Б. Эдебий тилдиң функционаллық стиллериниң раўажланыўы менен қарақалпақ тили лексикасының раўажланыўы. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1973. – С. 58.

<sup>54</sup> Бердимуратов Е.Б. Кўрсатилган асар. – С. 231-257.



1) мазкур жамоа бирлиги, уюшмасининг рамзи ва 2) айна жамоа ҳаётий тажрибаларини тўпловчи ва уларни авлоддан-авлодга етказувчи қурол вазифасини ўтовчи восита сифатида қўлланилади.<sup>55</sup> Ўзбек тили ҳам мазкур ҳудуддаги ўзбек миллатига мансуб аҳоли учун шундай вазифаларни адо этади. Шу сабабли ҳам ҳудуддаги ўзбек тили Ўзбекистоннинг бошқа ҳудудлардаги ўзбек тилидан фонетик, лексик, грамматик жиҳатлари билан фарқланади, унинг диалектал хусусиятлари ўзига хос.

Қорақалпоғистонда ўзбек тилининг алоқа ва расмий тил сифатида қўлланилишининг маънавий ва ҳуқуқий асосларига оид бешта хусусияти таҳлилга тортилган.

